



АДОЛАТ БОРЛИҚҚА ЁЛГИЗ ОНАДИР

ёхуд рақамлар ҳужжатларда эмас, инсонлар тақдирида бўй кўрсатмоқда

Таҳлил

Ҳар бир давлат кўзлаган тараққиёт йўлининг асосий босқичларидан бири камбағал қатламни юқори даромадга олиб чиқишдир. Ривожланган, иқтисоди қудратли қатор давлатлар ҳам бу йўлни босиб ўтган ва ўтмоқда. Бугун юртимизда аҳоли даромадини ошириш, шу орқали уларни камбағалликдан чиқариш ҳаракати кун масаласига айланган. Энг муҳими, пенсия ва нафақалар, таълим, инфратузилма, кредит, йўл, сув, электр — барча соҳалардаги ўзгаришлар ягона гоё, яъни инсон қадири учун хизмат қиляпти.



Президентимиз раислигида шу йил 11 сентябрь кун камбағалликни қисқартириш ишларини кейинги сифат босқичига олиб чиқиш масалалари муҳокама-си бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида бу борадаги ишлар сарҳисоб қилиниб, келгусида амалга ошириладиган зарурий чора-тадбирлар белгилаб олинган бежиз эмас. Айниқса, давлатимиз раҳбарининг 2024 йил 23 сентябрдаги “Камбағалликни қисқартириш ва аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш борасидаги чора-тадбирларни янги босқичга

олиб чиқиш тўғрисида”ги фармони ва “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастурини амалга ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори бу борада муҳим қадам бўлди.

Бир сўз билан айтганда, камбағалликка қарши курашиш умуммиллий ҳаракатга айланиши ортидан янги босқичга кўчди. 2021 йилда ҳоким ёрдамчилари институти жорий этилган эди. Ҳоким ёрдамчилари маҳалла-ларда бевосита аҳолини тадбиркорликка ўргатиш орқали уларни камбағалликдан чиқариш бўйича ишлаган.

Бу камбағалликка қарши курашишнинг биринчи босқичи эди. Энди мазкур жараён иккинчи босқичга чиқяпти. Шу боис, умумий эмас, балки манзилли ишлаш бўйича топшириқлар берилди.

Хўш, биринчи босқичда қандай амалий натижаларга эришилди? Юртдошларимиз турмуш тарзида, ўй ва қарашларида қандай ўзгаришлар содир бўлди?

Давоми 3-бетда

Юксалиш палласи

ИККИ ТИЛНИ МУКАММАЛ БИЛИШ

БУ ҚАТЪИЙ ТАЛАБ АСОСИЙ МЕЗОНГА АЙЛАНМОҚДА

Тил нафақат мулоқот воситаси, балки халқ маданияти, тарихи ва тафаккурининг кўзгусидир. Турли тилларни ўрганиш дунёқарашни бойитиши, жаҳон цивилизацияси ютуқларидан баҳраманд этиши, дунё ахборот ресурсларидан кенг фойдаланиш, халқаро ҳамкорлик ва мулоқотни ривожлантириш имконини беради.

Кейинги йилларда Ўзбекистон дунёга очик мамлакат сифатида танилди. Дунё давлатлари билан азалий дўстлик ва бирдамлик алоқалари мустаҳкамланмоқда. Барча соҳаларда халқаро ҳамкорлик кенгаймоқда. Бу эса етишиб келаётган авлоднинг хорижий тилларни билиши заруратини юзага келтиряпти. Шу боис, кадрларнинг ҳар томонлама етуқлиги она тили қаторида чет тилларни билиши билан белгиланаётди.

Бир неча хорижий тилда эркин мулоқотга кириша оладиган, дунёда рўй бераётган воқеалар ҳақида чет тилда ўз фикрини эркин баён этаётган ёшларни кўриб ҳавас қиласан киши. Нуфузли халқаро тадбирлар, илмий анжуманлар, олий таълим муассасаларида ўзга тилларда бийрон сўзлаётган йигит-қизлар ўзимизнинг қоракўзлар экани кўнгилга ғурур бағишлайди.

Мамлакатимизда таълим сиёсатининг устувор йўналиши сифатида хорижий тилларни чуқур ўргатишни ривожлантириш, ўқитувчи ва ёшларнинг қизиқишини

оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Президенти соврини учун “Хорижий тилларни ўқитиш бўйича энг яхши мактаб” танлови ташкил этилгани, умумтаълим мактабларида битта касб ва иккита хорижий тилга ўргатиш амалиёти йўлга қўйилгани ана шу эътиборга бир мисолдир. “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида умумий ўрта таълим тизимини янги босқичга олиб чиқиш, таълим ташкилотларига ҳар йили “тил эгаси” бўлган 500 нафар хорижий мутахассисни жалб қилиш вазифаси келтирилган. Мактабгача ва мактаб таълими вазирилик берган маълумотга кўра, 2024-2025 ўқув йилида 500 нафар “тил эгаси” юртимиз мактабларида иш бошлади.

Бундан ташқари, мактабда иккинчи хорижий тил ўргатиш борасида ҳам муҳим қадамлар ташланди. Жорий ўқув йилида 354 та мактабда 16 мингдан зиёд ўқувчига иккита хорижий тилни ўқитиш йўлга қўйилди.

Давоми 5-бетда

Янги қонун

КОСМИК СОҲАДАГИ ҲУҚУҚИЙ ТИЗИМ

халқаро умумэътироф этилган принцип ва нормаларга асосланган ҳолда ривожланмоқда

Космик тадқиқот ютуқларидан тинчлик мақсадида фойдаланиш ер-сув ресурсларини оқилона бошқариш, иқлим ўзгаришлари оқибатини юмшатишда муҳим ўрин тутаяди. Давлатимиз раҳбари раислигида “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасидаги ишлар натижадорлиги ва келгусидаги устувор вазифалар муҳокама-си юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида “Ўзбеккосмос” агентлиги Бухоро ва Навоийдаги 35 гектар майдонда қум ва шамолни ушлаб қолувчи чўл ўсимликлари қопламаси йўқолиб кетганини аниқлагани маълум қилинди.



Шу муносабат билан мутасаддиларга ишчи гуруҳ тузиб, ушбу вилоятларнинг чўл ва ярим чўл ҳудудидида яшил майдонларни кўпайтириш бўйича дастур ишлаб чиқиш топширилди. “Ўзбеккосмос” агентлиги билан биргаликда чўлларда экологик ҳолатни мониторинг қилиш платформаси ишлаб чиқиши белгиланди.

Бу борадаги саъй-ҳаракатлар “Космик фазо, шу жумладан, Ой ва бошқа самовий jismlарни тадқиқ қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича давлатларнинг фаолият тамойиллари тўғрисида”ги шартнома (Лондон, Москва ва Вашингтон, 1967 йил 27 январь) асосида амалга оширилади.

Мазкур халқаро ҳужжатга 114 давлат қўшилган. У космик фазонинг ҳуқуқий асосларини белгилаб берувчи 17 моддадан иборат.

Давоми 2-бетда

Кун мавзуси

ТЕРМИНАЛ ИШЛАМАЯПТИ ДЕГАН БАҲОНАЛАР ЎТМАЙДИ

Солиқ қондабузарлиги ҳақида мурожаат қилган истеъмолчи 20 фоиз мукофот пулига эга бўлади

Яқинда дўкончага харидга кирганимда сотувчи тўлов терминали ишламаётганини айтиб, нақд пул беришим ёки тўловни картадан картага ўтказишимни сўради. Мен ўтказгани амалга оширдим ва сумма жисмоний шахс номидаги картага тушди. Қизиғи, бу ҳолат келаси сафар ҳам такрорланди. Жараёнда ўтказмадан олинган фоиз суммаси менинг зиммамга тушаётгани камдай, сотувчи харид чекини ҳам бермади, бунинг устига, харид суммасидан 1 фоизни ҳам қайтариб ололмайман. Истеъмолчи сифатида чекни талаб қилганимда, бирор норозилик бўлса, ўтказма тарихининг ўзи кифоя қилишини айтди.

Сўнги вақтларда шундай ҳолатлар кўп учрамоқда. Айниқса, шаҳардан ташқари жойларда савдо ва хизмат кўрсатувчи тадбиркорлар томонидан харидорларга батарея қуввати йўқлиги ёки бошқа сабабларга кўра тўлов терминали ишламаётгани, пластик картада тўлашнинг иложи йўқлиги баҳона қилиниб, нақд пулда савдо қилишга ундаш кўпайган.

Қолаверса, харид чекини бермаслик, карта турига қараб савдо қилиш, электрон тўловдан бош тортиш ҳолатлари ҳам учраб туради. Ваҳоланки, ахборот технологиялари тобора ривожланиб бораётган ҳозирги шароитда аҳоли оранди пластик карта ва электрон тўлов усуллари билан фойдаланувчилар сони ортиб бораёпти. Кўпайиб инсонлар ҳатто

ҳамёнида нақд пул олиб юрмайдиган бўлган. Шундай шароитда одамларнинг нақд пулда савдо қилишга ундаш ёки замонавий тўлов турларидан фойдаланмаслик қанчалик тўғри? Одамлар бунинг тадбиркорнинг солиқ тўловларидан қочини деб тушунади, аслида ҳам шундайми? Бундай тадбиркорлик субъектларига қонунчиликда қандай чоралар назарда

тутилган? Мавзуга доир долзарб саволлар билан Солиқ қўмитаси бошқарма бошлиғи Дилдора ҲОШИМОВАга юзланди.

— Аввало, бундай ҳаракатлар яширин иқтисодийнинг бир кўринишидир. Яширин иқтисодий — норасмий бандлик, ноқонуний иш ҳақи, ноқонуний тадбиркорлик фаолияти ёки товар ва хизматларнинг ноқонуний савдоси. Давлатдан даромадларини яшириш ва солиқ тўлашдан бўйин товлашга олиб келадиган ҳаракатлар яширин иқтисодий фаолият саналади ва бундай ҳаракатларга қонунчиликда тегишли чоралар белгиланган.

Давоми 4-бетда

САНОАТ КОРХОНАЛАРИНИ ВЕРТИКАЛ ЎСТИРИШ ТАЖРИБАСИ

Сурхондарёда бу қандай натижа беряпти?

Маҳаллийлаштириш иқтисодийнинг янада барқарор ва изчил ривожланишини таъминлайди. Иқтисодийнинг ташқи омилларга боғлиқлигини камайтириш ҳамда ишлаб чиқариш жараёнига янги технологияларнинг татбиқ қилинишини жадаллаштиришда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Давоми 4-бетда



Янгича ёндашувлар

Нуктаи назар

МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИГА ОИД ҚОНУНЧИЛИК ТАКОМИЛЛАШУВИ

ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларнинг олдини оладими?

Мамлакатимиз меҳнат муносабатлари тизимида изчил ислохотлар амалга оширилмоқда. Бу жараёнда меҳнатни муҳофаза қилиш, турли тармоқ ва соҳаларда ишлаётган мутахассислар, ишчи-ҳодимлар учун муносиб шароит яратишга алоҳида эътибор қаратилаётир. Бундан ташқари, мажбурий меҳнат тақиқлангани, ишга ўз вақтида ва муносиб ҳақ тўлашининг ҳуқуқий асослари такомиллашяётгани инсон кадрини улуглаш борасидаги эзгу тамойилларни рўйбга чиқаришга замин бўляпти.

Ўзбекистон Республикасининг жорий йил 2 октябрдаги "Халқаро меҳнат ташкилотининг Меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси ҳамда ишлаб чиқариш муҳити тўғрисидаги 155-сонли конвенциясини (Женева, 1981 йил 22 июнь) ратификация қилиш ҳақида"ги қонуни бу жаҳадаги ишлар ривожига яна бир муҳим ҳуқуқий асос бўлди.

чораларини кўриши, фуқароларнинг касбий тайёргарлигини ва қайта тайёрланишини ташкил этиши ҳамда рағбатлантириши каби муҳим нормалар Бош қонунимизда ақс этаётгани меҳнатқашлар ҳуқуқини муҳофаза қилишга муҳим омил бўлди.



Халқаро меҳнат ташкилоти билан ҳамкорлик сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди. Ташкилот кўмагида Ўзбекистонда меҳнат соҳасида 40 дан ортиқ норматив ҳужжат қабул қилинди, 22 та халқаро конвенция ратификация қилинди. Ушбу ҳужжатлар орқали зиммага олинган мажбуриятларни бажариш бўйича кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

бурятияларни бажарилишини таъминлаш, меҳнат муносабатларида вакиллик органи (касба уюшмалари) ролини, жамоатчилик назоратининг ўрни ва аҳамиятини оширишга оид ҳуқуқий ва амалий ишлар ҳам такомиллашмоқда.

Жорий йил июлида юртимизга ташриф буюрган Халқаро меҳнат ташкилоти бош директори Жильбер Унго мамлакатимизда меҳнатқашлар ҳуқуқларини таъминлаш, иш ўринлари яратиш ва халқаро конвенцияларни имплементация қилиш борасидаги ишларга юқори баҳо бергани бунинг исботидир. ХМТ мамлакатимиз таърибасини халқаро миқёсда ўрганиш ва қўллаш учун муваффақиятли модель сифатида кўраётгани, Ўзбекистоннинг ташкилот маъмурий кенгашига сайлангани юртимизда инсон кадрини кўзлаган ислохотларнинг улкан эътирофи бўлди.

Айни пайтда мамлакатимизда меҳнат муҳофазаси соҳасидаги ҳуқуқий асосларни ва амалий ишларни янада такомиллаштириш зарурати мавжуд. Иш жойларида оқибати энгил, оғир ва ўлим билан тугаётган бахтсиз ҳодисалар рўй бериб тургани бу масаланинг нечоғлиқ долзарблигини яққол ифода этади. Давлат меҳнат инспекцияси

маълумотига кўра, жорий йилнинг 7 ойида содир бўлган 492 та шундай бахтсиз ҳодиса оқибатида жабрланган, баъзи ҳолларда ҳаётдан кўз юмган кишилар ҳам борлиги ачинарлидир. Шу бонс, бундай муаммоларга қарши курашиш бугунги глобаллашув ва технологиялар юксалаётган даврда янада долзарб аҳамият касб этаётир. Меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси ҳамда ишлаб чиқариш муҳитига оид конвенциянинг ратификация қилингани бу жаҳадаги ишлар ривожига хизмат қилади.

Мазкур конвенция бугунга қадар 75 та давлат томонидан ратификация қилинган. Ҳужжатда меҳнат фаолияти жараёни ва ишлаб чиқариш муҳитида меҳнат хавфсизлиги ва гигиенасини таъминлаш, жумладан, иш жойи ёки иш вақтида ишчи ва ҳодимларнинг соғлигига зарар етиши билан боғлиқ бахтсиз ҳодисалар ёқуд хавфларининг олдини олишга қаратилган талабларни янада кучайтириш назарда тутилган.

Конвенцияда иқтисодий фаолиятнинг барча соҳаси қамраб олинган бўлиб, давлат хизматида ва ёлланиб ишловчилар, шунингдек, бевосита ёки билвосита иш бевуви назорати остидаги ишчи ва ҳодимларга татбиқ этилиши каби муҳим масалалар кўзда тутилган, — дейди Олий Мажлис Сенати Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси раиси Равшан Алимов. — Бундан ташқари, конвенцияда белгиланган талаблар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида, хусусан, Меҳнат кодекси, меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфли ишлаб чиқариш объектиларининг санат хавфсизлигига оид қонунлар ва бошқа меърий ҳужжатларда ақс этган. Масалан, конвенцияда қўлланган асосий тушунчалар ҳамда меҳнат хавфсизлиги талаблари меҳнат ва меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган. Шунингдек, Меҳнат кодексига биноан барча корхонада хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берадиган меҳнат шариоити яратилган бўлиши керак. Бундай шариоит яратиш берил иш бевувиининг мажбуриятига қиради.

Конвенциянинг ратификация қилиниши келгусида соҳадаги миллий қонунчиликни ҳамда Халқаро меҳнат ташкилоти ҳужжатларида белгиланган меҳнат хавфсизлиги ва гигиенасига оид меъёрларни такомиллаштириш, шунингдек, ишлаб чиқариш жараёнидаги бахтсиз ҳодисалар, касбий касалликлар, иш вақтида юзага келиши мумкин бўлган салбий оқибатларнинг олдини олишга қаратилган халқаро стандартларни самарали жорий этишга хизмат қилади.

Шу билан бирга, меҳнатқашлар ҳуқуқларини муҳофаза этиш, Халқаро меҳнат ташкилоти билан ҳамкорликни янада ривожлантириш, юртимизнинг Жаҳон савдо ташкилотига интеграциялашуви учун зарур шариоит яратиш, тараққий этган давлатлар билан ўзаро самарали ҳамкорликни йўлга қўйишда муҳим омил бўлади.

Баҳор ХИДИРОВА, "Янги Ўзбекистон" муҳбири

Янги қонун

КОСМИК СОҲАДАГИ ҲУҚУҚИЙ ТИЗИМ

халқаро умумэътироф этилган принцип ва нормаларга асосланган ҳолда ривожланмоқда

Бошланиши 1-бетда

Мазкур шартномага қўшилиш Ўзбекистонга қатор халқаро космик ҳуқуқларни тақдим этади. — Ушбу шартнома орқали 114 давлат билан ҳамкорликда ишлаб, космик фазони тақдир этиш имкониятига эга бўлдик, — дейди "Ўзбеккосмос" агентлиги бўлим бошлиғи Шохрух Насруллаев. — Хусусан, ҳеч қандай дискриминациясиз космик фазо ва самовий жисмларни тақдир қилиш ҳамда улардан тинчлик мақсадида фойдаланиш, ортиқча тўсиқларсиз эркин илмий тадқиқотлар ўтказиш, бу борада давлатлараро тенгликка эга бўлиш, учирилган космик объектлар ва уларнинг экипажи устидан юрисдикция ҳамда назоратни сақлаб қолиш, космик соҳада фаолият юритувчи давлатлар билан ҳамкорлик ўрнатиш орқали технологиялар трансферини жадаллаштириш каби кўпбал нормалар шулар жумласидан.

Қонун мамлакатимизнинг космик соҳадаги ҳуқуқий тизими халқаро умумэътироф этилган принцип ва нормаларга асосланган ҳолда ривожланаётганидан далolat беради. Ҳужжат талабларини тўлақонли бажариш, космик тадқиқотлар соҳасини ривожлантириш, аэрокосмик технологиялар орқали иқтисодиёт тармоқларидаги муаммоларни аниқлаш ва бартараф этиш мақсадида Президентимизнинг жорий йил 14 октябрдаги "2024-2026 йилларда иқтисодиёт тармоқларида аэрокосмик технологияларни жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони қабул қилинди.

Мазкур ҳужжатда давлат космик мониторингининг 2024-2026 йилларда иқтисодиёт тармоқларидаги муаммоларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш бўйича самарадорликни оширишга қаратилган устувор йўналишлар белгилаб берилди, — дейди Шохрух Насруллаев. — Жумладан, ер участкаларининг ўзбошимчили билан эгаллаб олиниши, ўрмон билан қопланган майдонлар чегараларини белгилаш, фойдали қазилмалар жойлашган майдонлардан асосан бўшқа мақсадларда фойдаланиш ҳолатларини аниқлаш билан мамлакатнинг барча ҳудудини қамраб олиш, ўрмон билан қопланган майдонлар чегарасини белгилаш каби мақсадли кўрсаткичларга эришиш кўзда тутилган.

Ҳужжатда белгиланган тадбирлар амалга оширилиши натижасида сув сатҳи режими мониторингини омборлари сонини 50 тага етказиш, экинлар турлари, экин экилган майдонларни тўлиқ қамраб олиш, фойдали қазилмалар жойлашган майдонлардан асосан бўшқа мақсадларда фойдаланиш ҳолатларини аниқлаш билан мамлакатнинг барча ҳудудини қамраб олиш, ўрмон билан қопланган майдонлар чегарасини белгилаш каби мақсадли кўрсаткичларга эришиш кўзда тутилган.

Ҳужжатда назарда тутилган қондалардан бири космик суратлардан фойдаланишда эркинлик яратишдир, — дейди Алишер Орифжонов. — Бугунгача Вазирил Маҳкамасининг тегишли қарори билан аэрокосмик суратлар ва улардан олинган ҳосилаларни бош штаб кўригидан ўтказиш мажбурий эди. Кўриқдан ўтказилгунча қадар махфий грифи қўйиларди. Бу эса ўз-ўзидан космик суратлардан фойдаланишда турли қийинчилик туғдирарди. Ҳуқуқий ҳужжатда фазовий ўлчам аниқлиги 0,5-1 метр/пикселга бўлган суратлар ва ҳосилалари суратта олинган вақтдан бошлаб 5 кун ичида "хизмат доирасида фойдаланиш учун" грифи асосида, 5 кун ўтгандан кейин эса очик, фазовий ўлчам аниқлиги 1 метр/пиксел ва ундан ортиқ бўлган суратлар ва ҳосилалари ўта муҳим, режимли ва ҳарбий объектларни ақс эттиришдан қатъи назар, назорат кўригидан ўтказилмайди ва очик фойдаланилади.



соҳасида космик мониторинг орқали экин ерларидан фойдаланишининг жорий ҳолати, экинларнинг турлари ҳамда ҳақиқатан экин экилган майдонларни аниқлаш мумкин. Шунингдек, мамлакатнинг барча ҳудудда ер қазилди, фойдали қазилмалар жойлашган майдонлардан асосан бўшқа мақсадларда фойдаланиш ҳолатларини аниқлаб борилади. Космик технологиялар ўрмон билан қопланган барча майдоннинг чегараларини белгилаш ҳамда сув сатҳи режимини мониторинг қилишда муҳим аҳамият касб этади.

Ҳужжатда белгиланган тадбирлар амалга оширилиши натижасида сув сатҳи режими мониторингини омборлари сонини 50 тага етказиш, экинлар турлари, экин экилган майдонларни тўлиқ қамраб олиш, фойдали қазилмалар жойлашган майдонлардан асосан бўшқа мақсадларда фойдаланиш ҳолатларини аниқлаш билан мамлакатнинг барча ҳудудини қамраб олиш, ўрмон билан қопланган майдонлар чегарасини белгилаш каби мақсадли кўрсаткичларга эришиш кўзда тутилган.

Ҳужжатда назарда тутилган қондалардан бири космик суратлардан фойдаланишда эркинлик яратишдир, — дейди Алишер Орифжонов. — Бугунгача Вазирил Маҳкамасининг тегишли қарори билан аэрокосмик суратлар ва улардан олинган ҳосилаларни бош штаб кўригидан ўтказиш мажбурий эди. Кўриқдан ўтказилгунча қадар махфий грифи қўйиларди. Бу эса ўз-ўзидан космик суратлардан фойдаланишда турли қийинчилик туғдирарди. Ҳуқуқий ҳужжатда фазовий ўлчам аниқлиги 0,5-1 метр/пикселга бўлган суратлар ва ҳосилалари суратта олинган вақтдан бошлаб 5 кун ичида "хизмат доирасида фойдаланиш учун" грифи асосида, 5 кун ўтгандан кейин эса очик, фазовий ўлчам аниқлиги 1 метр/пиксел ва ундан ортиқ бўлган суратлар ва ҳосилалари ўта муҳим, режимли ва ҳарбий объектларни ақс эттиришдан қатъи назар, назорат кўригидан ўтказилмайди ва очик фойдаланилади.

Фармонга мувофиқ, 2025 йил 1 майга қадар давлат космик мониторингини доирасида аниқланган барча маълумотлар "Space Gov Monitoring" марказлашган ягона платформасида жойлаштирилади ҳамда манфаатдор вазирлик ва идоралар учун соҳавий тегишлилиги бўйича суб-платформалар яратилиши, Шунингдек, 2025 йил 1 мартдан бошлаб ер қазилди фойдаланиш бўйича маъмурий мониторинг ва риск-тахлил "Геомониторинг" ахборот тизими ҳамда SGM платформаси орқали амалга оширилади.

"Ўзбеккосмос" агентлиги Тоғ-қон саноати ва геология вазирлиги билан биргаликда 2024 йил якунига қадар мамлакатдаги барча — 2573 та норуда фойдали қазилма конида ҳақиқатан қазилган ҳажмини аниқлашни йўлга қўйиш мақсадида конларнинг рақамли топоҳаритасини яратлади.

Фармонда қадрлар тайёрлаш ва саноатини оширишга ҳам алоҳида эътибор қаратилган, — дейди "Ўзбеккосмос" агентлиги бўлим бошлиғи Ҳусмон Раҳмонов. — Хусусан, "Ўзбеккосмос" агентлиги ва унинг муассислигидаги ташкилотлар мутахассисларини ҳамда таълим муассасаларининг соҳага қизилувчи иқтидорли ўқувчи ва талабаларини илгор 300 талик рўйхатга киривчи университетларга ўқинишга юбориш назарда тутилмоқда. Шунингдек, космик аппаратларни лойиҳалаш, йиғиш ва сонинан ўтказиш учун юқори маалали муҳандис-конструкторлар тайёрлаш бўйича Япониянинг "Kyushu Institute of Technology" олий таълим муассасасига иқтидорли ёшлар магистратура босқичига ўқиниш юборилди.

Мазкур қонун экология, қишлоқ хўжалиги, геология соҳаларида учраётган кўпбал муаммоларни бартараф этиш борабарда мазкур жаҳаларни илмий асосда тақдир этиш учун кўпбал имконият яратлади.

Лутфулла СУВОНОВ, "Янги Ўзбекистон" муҳбири

Аграр тармоқ

Ҳозир эрта баҳорда яхши ниятлар билан ерга уруғ қадаган дехқон учун айна ҳисоб-китоб палласи. Яъни қилинган меҳнат ва даромадни сарҳисоб қиладиган пайт. Айтиш керакки, бу йил ҳам дехқонларимиз учун баракали келди. Ҳар бир экиндан юқори ҳосил олинди. Бунинг бозорларимиздаги бугунги манзара ҳам яққол тасдиқлайди.



ТАНСИҚЛИКДАН ТЎКИНЛИККА

Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш йўлидаги ишлар самараси хусусида

Самарқанд вилояти ички ва ташқи бозорни арзон ҳамда сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда республикада етакчи ўринларда, десак муболага эмас. Чунки вилоятда кейинги йилларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳам миқдор, ҳам сифат жиҳатидан тобора яхшиланиб борапти.

— Жорий йилнинг январь-сентябрь ойлари давомида 37,9 триллион сўмлик қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, ўсиш суръати 104,4 фоизни ташкил этади, — дейди вилоят Қишлоқ хўжалиги бошқармаси шўъба бошлиғи Тоҳир Дувланов. — Бунда озиқ-овқат саноатида қиймати 131 миллиард 672 миллион сўм бўлган 23 та, мева-сабзавотчилик йўналишида қиймати 162 миллиард 314 миллион сўмлик 19 та, чорвачиликда қиймати 39 миллиард 723 миллион сўмлик 9 та ва бошқа йўналишларда қиймати 515 миллиард сўмлик 90 та лойиҳа ишга

туширилгани айна мудоао бўлди. Шу билан бирга, жами 183,1 миллион долларлик мева-сабзавот ҳамда 65,5 миллион долларлик озиқ-овқат маҳсулотлари хорижга сотилди. Албатта, илгари фақат байрамларда дастурхонимизни беэза турувчи тансиқ ноз-неъматлар бугун аҳолининг кундалик хариди сирасига кириб, оила рақсонини тобора бойитиб бораётгани эътиборга молик.

— Яқин-яқингача бир донна лимон керак бўлса, туман марказидаги бозорга боришга мажбур бўлардик. Лимон тансиқ ҳисобланар, бозордан доналаб харид қилардик, — дейди булунгурлик Дилором Холмаматова. — Бугун эса томорқимиздаги икки сотиҳ иссиқхонада лимонни ўзимиз етиштиряпмиз. Бу оиламизга яхши даромад келтиряпти. Яқинда уйимизни таъмирлатдик. Энди машина олмақчимиз.

Ҳосил мўл, ҳам лимон меваси, ҳам қўчати сотяпмиз. Бир сўз билан айтганда, шахсий томорқамиз биз учун дастурхонимиз тўкинлиги ва даромадимиз манбаига айланди. Кейинги йилларда инновация, ностандарт ечимлар ва амалётлар қўллаб, рақамли технологиялардан фойдаланган ҳолда аниқ маълумотларга асосланган қишлоқ хўжалигини юритиш усуллари амалга

оширилмоқда. Вилоятда ҳам 2024 йилда 10,1 минг гектар майдонда томчилагиб сугориш тизими жорий этилди. Сугориш тизимларини яхшилаш ва туПРОК унумдорлигини ошириш мақсадида ирригация ва мелиорация тадбирлари ўтказилмоқда. Чорвачилик ва паррандачиликни ривожлантириш орқали гўшт, тухум, сүт каби асосий маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми кўпайди.

Нархлар барқарорлиги таъминланди. Жорий йилда вилоятдаги барча тоифадаги хўжаликларда гўшт етиштириш 151 минг тоннани ташкил этиб, ўтган 2023 йилдагига нисбатан 103,8 фоиз, сүт ишлаб чиқариш 690 минг тоннага этиб, 102,5 фоиз, тухум олиш 525,9 миллион донга етказилиб, ўсиш суръати ўтган йилдагига нисбатан 106,1 фоиз бўлди.

— Молиявий қўллаб-қувватлаш, имтиёз ва имкониятлар янги хўжалик юритувчи субъектлар ташкил этилиши омилли бўлмоқда. Бунинг ҳисобига маҳсулот етиштириш ҳажми ортмоқда, — дейди вилоят Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармаси бошлиғи ўринбосари Одилхон Бақоев. — Ҳозирги кунда вилоятда 1266 та чорвачилик фермер хўжалиғи мавжуд бўлиб, шундан 874 таси қорамолчилик, 155 таси қўйчилик, 213 таси паррандачилик, 20 таси қўвчилик йўналишида фаолият юритади. 2024 йил якунига қадар эса чорвачиликни ривожлантириш бўйича яна 82 та лойиҳа ишга туширилиши режалаштирилган. Жумладан, пахта-ғаллачилик кластерлари томонидан қорамолчилик комплекслари қуриш бўйича умумий қиймати 364 миллиард сўмлик 12 та лойиҳа шакллантирилиб, улар йил якунигача рўйбга чиқарилади. Қорамолчилик йўналишида 33 та, паррандачилик йўналишида 15 та лойиҳа амалга оширилгани ҳисобига кўпбал янги иш ўринлари очилади.

Мана шундай лойиҳалар, саъй-ҳаракатлар туфайли товуқ гўшти, балик, асал, лимон каби озиқ-овқат маҳсулотлари бугун сероб. Уларни бозорлардан, ҳатто қишлоқ дўконларидан ҳам харид қилиш мумкин. Бу мамлакатимизда узоқни кўзлаб амалга оширилатгани ислохотлар, чора-тадбирлар меваси. Соҳадаги лойиҳалар аҳолининг соғлом овқатланишида, фаровонлиги ошишида муҳим аҳамият касб этади.

Шухрат НОРМУРОДОВ, журналист

Таҳлил

АДОЛАТ БОРЛИҚҚА ЁЛГИЗ ОНАДИР

Ёхуд рақамлар ҳужжатларда эмас, инсонлар тақдирида буй кўрсатмоқда



Сардор ТОЛЛИБОЕВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири

Бошланиш 1-бетда

Одамларнинг орзу ва мақсадлари юрт тақдирига боғланмоқда

Хар ким замонга ўзидан, агрофидаги одамлардан келиб чиқиб баҳо беради, дейишди. Яхши эслаيمان, мактаб даврида ўқитувчилар келажакдаги мақсадларимизни сўраганида аксарият дўстларимиз “чет элга чиқиб ишлаш”, деб жавоб беради. Бонис, кимнингдир акиси, яна кимнингдир отаси, ҳатто онаси ҳам четга ишлашга кетганди.

Юрт ўзиники, аммо мақсадлари ва орзулари ўзга юртга тегишли бўлган инсонларни кўз олдигизга келтириб кўринг-а. Бир йилдан бундан икки кўча нарида турадиган Қаюм жўрамнинг отаси Дониёр ака чет элда ишлаш туриб оғир дардин орттириб келди. Олиб келган пули дори-дармонига ҳам етмади. Бир неча йил ўсал ётди. Бу вақтда хали эндигина 9-синфга кўчган эдик. Қаюм мактабини йиғиштириб, мардикорликка ўзини урди. Нима қилсин, ҳар кеча оғриқдан бақириб чиққан ота, фарзандлари келажакини ўйлаб елкаси чўккан онани бу йўлдан фақатгина уйнинг бош ўғли, яъни Қаюм олиб чиқиб кетарди. У 9-синфга математикадан олимпиадага қатнашиб, туман ва вилоят босқичларида юқори ўринларни олганди. Аммо у елкасига бевақт тушган масъулият ортидан орзуларидан воз кечди. Бу орада мен ўқишни кўзлаб пойтахтга отландим. Орава-ротдан узунқулоқ гаплар эшитдим — Қаюм отасининг дардига давони ўзга юртдан қидириб кетибди. Бу орада эл-улус кўмаги билан Дониёр ака оёққа турганини эшитиб қувонсам, мактабдаги энг аълочи болалардан бўлган жўрамнинг умр йўлини ўйлаб ўкиндим.

Яқинда қишлоқдаги амаким кўнжироқ қилиб, бир янгилик айтиб қолди. Эмишки, қишлоқ четидидаги бир неча йилдан бери каровсиз ётган эски бино ўрнига замонавий, хусусий боғча кўтарилган экан. Унга бош-қош Қаюм жўрам эмилш. У шунча йиллар чет элда ишлаб тўлган пулини тадбиркорликка тиккан, деган ўй хаёлимдан ўтди. Лекин амакимнинг айтишича, бандан кам фонизли кредит олиб иш бошлаган. Амаким ҳам ёзга бориб суви настлаб кетадиган қудугининг сувини кўпайтириш учун

кредит олишини, бобомдан қолган узумзорни тўйинтириб сўғориш учун қатта ҳовуз қилишини мақтаниб қўйди. Яна туман ҳокимлигидан масъуллар ҳар бир хонадонга ижтимоий ҳолатидан келиб чиқиб, кам фонизли кредит таклиф қилаётганини айтди. Амакимнинг гапларидан сўнг кўз олдимида банк эшиги ёнида сарғайган, ҳужжатбозликдан мадори куриган инсонлар жонланди. Ёзда қиш учун емиш гамлаш билан андармон, осмондан ёмғир кутиб, шунинг ҳисобига деҳқончилик қилиб яшаётганлар эмас, имкониятдан унумли фойдаланаётган, келажакка қатта орзулар билан одимлаётган инсонлар хаёлимга келди.

Ўзгаришлар нафаси

Бугун биргина бизнинг қишлоқда эмас, юртимизнинг бошқа ҳудудларида ҳам одамлар турмуш тарзида, юриш-туришида, ўй-қарашда ўзгаришлар нафаси сезилади. Буларнинг ортида, албатта, олдиндан қўзланган ва босқичма-босқич амалга оширилаётган ислохотлар турибди. Кейинги йиллардаги иқлим ўзгариши, турли нуқталарда авж олаётган ички низолар, урушлар мамлакатлар ривожига таъсирини ўтказмоқда. Сабаби, низолар ўчоғи фақат ўша ҳудудлар билан чегараланиб қолмай, балки истеъмол занжири узилиши ортидан озиқ-овқат, саноят ва яна қатор бошқа соҳалар ривожига тўсқинлик қилмоқда.

Мана шундай мураккаб вазиятда давлатларнинг асосий мақсади кам даромадга эга қатлами иш билан таъминлаш, касбга ўргатиш орқали ишчи кучидан унумли фойдаланиб, камбағаллик даражасини қисқартиришга қаратишмоқда.

Юртимизда камбағалликни қисқартириш ҳаракати 2020 йилда бошланганди. 2021 йилда 7,5 миллион ёки 23 фоиз аҳолининг даромади камбағаллик чегарасига етмасди. 2023 йил якунига кўра, ушбу кўрсаткич 11 фоизга тушди. Яъни бу даврда 3,5 миллионга яқин аҳоли даромади қилниди. Маҳаллаларда камбағалликни қисқартириш учун тадбиркорлик лойиҳаларига 35 триллион сўм арзон кредит, 7 триллион сўм

Биргина “Сайхунобод”, “Уйчи”, “Зарбдор”, “Ғиждувон” тажрибалари асосида ўтган олти ойда 4 мингдан ортиқ маҳалла саноят ва қишлоқ хўжалигига ихтисослаштирилди. Бунинг ортидан 1 миллион 600 минг аҳоли бандлиги таъминланди. Бу тажрибалар ҳар бир ҳудуд миқёсида ўз натижасини бера бошлади. “Сайхунобод тажрибаси” асосида хонадонларга молиявий пакет қилиб бериш, “Уйчи тажрибаси”га мувофиқ, туман ҳокими ва банк раҳбарлари тадбиркорлар билан учрашиб, бизнесини кенгайтиришга кўмаклашиб, “Ғиждувон тажрибаси” асосида маҳаллаларда кўп қаватли саноят бинолари ташкил этиш, “Зарбдор тажрибаси”га кўра, саноят, савдо, хизмат ва замонавий агротехнологиялар драйвер лойиҳаларини ишлаб чиқиш орқали одамларни даромадли қилиш тизими яратилди.

“Кўл остимда юздан ортиқ ходим бор”

Камбағалликни қисқартиришнинг асосий омилларидан бири хусусий сектор ва тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш учун қўлай шароит яратишдир. Буни қўйидаги рақамлар орқали баҳолаш мумкин. Бугунги кунда 100 дан ортиқ ишчи бор корхонада 3 мингга яқинлашган. Улардаги иш ўрни бир йилда 440 мингга кўпайган. Ушбу корхонадаги ишчилар сони эса 1,7 миллионга етган. Хусусий секторда 5 миллион сўмдан ортиқ маош оладиганлар сони 1 миллиондан ошган. 370 мингга эса 10 миллион сўмдан зиёд даромад қилади. Бу яратилган қўлай шароитнинг амалдаги ифодасидир.

Мазкур рақамлар ортидан минглаб юртдошларимиз дастурхонига баракка киратгани бор гап. Айниқса, кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш орқали аҳоли бандлиги ошиб бормоқда. Ғиждувонлик Дилнавоз опа ҳам озми-кўп ҳаётнинг машаққатли синовларидан ўтди. Қўлида хунари бўлишига қарамай, муайян вақт ишсиз юрган.

— Илгари “Аёллар дафтарида” турардим. Бугунги кунда аёлларни касбга ўқитиш ҳамда



субсидия ажратилган. Шунингдек, 260 минг гектар ер деҳқончилик қилиб, даромад топиш учун аҳолига бўлиб берилган. Келгуси уч йилликда эса камбағаллик кўрсаткичининг 11 фоиздан 7 фоизга тушириш мақсад қилинган. Албатта, бу кўрсаткичларнинг тағ замирида давлат миқёсида амалга оширилаётган лойиҳалар ва ташаббусларнинг ўрни алоҳида.

тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга алоҳида урғу берилмоқда. Мен ҳам бу имкониятлардан фойдаланган ҳолда 33 миллион сўм кредит олиб, фаолиятимни бошлаганман. Ҳозир кўл остимда юздан ортиқ ишчи ишлайди, — дейди тадбиркор Дилнавоз Саидова. — Маҳаллада тивувчилик цехлари очганмиз. Бу ҳам қисқартириш маънода аёлларни қўллаб-қувватлаш.



Бир инсоннинг ўз йўлини топишига кўмаклашиб, қобилиятини юзга чиқариш орқали нафақат бир оила, балки бошқа қоракўзларнинг бандлиги таъминланаётган кувонарли ҳол. — Ярим йил давомида туманга 66 миллиард сўмга яқин кредит ресурслари ажратилди, — дейди Ғиждувон тумани камбағалликни қисқартириш ва бандлик бўлими бошлиғи Тошпўлат Мардонов. — Уни ишсиз фуқароларга тарқатди. Ҳозирги кунда 20 та маҳаллада “Ғиждувон тажрибаси” асосида саноятни вертикалига ўстириш йўналишида ишлар олиб бориламоқда. Йил якунига қадар 2 мингга яқин хотин-қиз ва камбағал оилалар вакили бандлиги таъминлаш белгиланди.

“Ҳаракат қилган одам кам бўлмайди”

Давлат бюджетининг ижтимоий соҳага йўналтирилган харажатлари 2024 йилда 2018 йилдагига нисбатан 4,3 баробар ўсди. Янги иш ўринлари яратиш ҳамда аҳолини иш билан таъминлашда халқаро майдонда юқори натижа бераётган дунё тажрибаларини ўрганган ҳолда давлат дастурлари ишлаб чиқилди. Маҳаллабай ва хонадонбай ишлаш тизими жорий этилди. Бунинг меваси ўлароқ, кичик бизнес, хизмат кўрсатиш, хунарамандлик, касаначилик, деҳқончилик, чорвачилик ва паррандачилик каби бир қатор соҳаларда юзлаб янги корхоналар очилди.

— Олдин фаррошлик қилардим. Пишириқ пишириш ва нон ёпишга қизиқишим бор эди. Берилган кўмак ортидан пишириқ цехи ва новийхона очдик. Маҳалладаги 5 хотин-қиз ҳам иш билан таъминланди, — дейди фарғоналик Нодира Маматова. — Оилавий шароитимиз яхши. Тадбиркорлик ортидан тўйлар қилиб, элга ош бердик. Бугун ҳаракат қилган одам кам бўлмайди.

“Ташаббус натижасини ҳаётимизга қўриб турибман”

Мамлакатимизда кечаётган ўзгаришлар халқаро майдонда ҳам эътироф этилмоқда. “Дунёда камбағал оилалар кўп, бироқ ҳар бир



оиланинг ўзига хос камбағаллик тарихи бор. Ўзбекистоннинг қашшоқликка қарши курашишидаги асосий ютуғи унинг юқори даражадаги манзиллиги ва индивидуал хусусиятга эга экандир. Ўзбекистондаги маҳаллабай тизим ҳар бир муҳтож оилани камбағалликдан чиқаришда ноёб хусусиятга эга”, дейди иқтисодий-ёғ бўйича Нобель мукофоти соҳибни Абхажит Банержи. Бугунги кунда Ўзбекистон камбағалликка қарши курашишда ўзига хос тажрибага эга бўлди.

— Оилада 6 жонмиз. Иш тополмай бошимиз қотган вақтлар ҳам бўлди, — дейди сайхун-ободлик Абдумуталлиб Бозорматов. — Президентимизнинг туманимизга таширидан сўнг 5 сотихли иссиқхона қурдик. Шу билан оилавий ишли бўлди. Бу йил 40 миллион сўм даромад қилдик. Ҳовлимизда иссиқхонадан ташқари асаларчилик, парранда ва чорвадан ҳам даромад қиламиз. Президентимиз қарга борса кам тадбиркорликни қўллаб-қувватлаб, аҳоли



Шунингдек, “Зарбдор тажрибаси” асосида саноят, қишлоқ хўжалиги ва хизматлар соҳасида камиде 5 тадан драйвер лойиҳани инфратузилма билан таъминлаш учун йил якунигача 500 миллиард сўм, келаси йили яна 1 триллион сўм, ўз-ўзидан маҳаллаларда фаолият юритаётган тадбиркорлар ишлаб чиқаришни кенгайтириб, қўшимча ишчи кучи жалб қилди. Яъни аҳоли бандлиги ошиб боришига йўл очилди.

Шуни айтиш керакки, “Адолат борлиққа ёлғиз онадир”. Бугун жамиятимизда буй кўрсатаётган ўзгаришлар ҳар бир тизимда адолатнинг қарор топиши билан юз бераётди. Юқорида қўзланган режалар амалга ошса, минглаб юртдошларимизнинг турмуш тарзи яхшиланади, бугун дунёга бўйлашаётган Ўзбекистонга ўз иқтидор ва қобилиятлари орқали қанот бўлишига замин ҳозирлайди.

Ислохот

Нигора ҚУТЛИМУРАТОВА, Ҳоразм вилояти ҳокими ўринбосари, оила ва хотин-қизлар бошқармаси бошқари

Бугун ўзбек аёлларининг нафақат оила ва фарзандлар тарбиясидаги ўрни, балки мамлакатимиз тараққиётига қўшаётган ҳиссаси ҳам ортиб борапти. Юртимизда уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, қонуний манфаатларини таъминлаш, қобилият ҳамда имкониятларини рўйбега чиқариш, қисқаси, жамиятнинг тенг ҳуқуқли, фаол ва бунёдкор аъзосига айлантириш борасида кенг қўламли ишлар бажарилмоқда. Аёллар ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, жумладан, бандлигини таъминлаш, соғлиғини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, турмуш даражасини яхшилашга эътибор юксак даражага кўтарилди.



Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 31 мартдаги “Хотин-қизлар муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш тизимини янада

такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳамда Хотин-қизлар муаммоларини тизимли равишда ҳал этиш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича республика комиссияси топириғи асосида жорий йилда Ҳоразм вилоятида “Аёллар дафтари”нинг бешинчи босқичи доирасида бир қатор ишлар бажарилди. Жумладан, 30 ёшдан юқори бўлган аёллар ўртасида анкета-сўровномалар орқали хатлов жараёни ўтказилди. Олтига тоифа бўйича 62 минг хотин-қиз туман, шаҳар кенгашиларининг тегишли сессияси қарори асосида “Аёллар дафтари”га киритилди. Жорий йилнинг шу даврига қадар қарор масъул ташкилотлар билан ҳамкорликда ижтимоий дафтларга қиритилган хотин-қизларнинг 59 минг 614 нафарига амалий ёрдам берилди. Ушбу мақсад учун давлат ва маҳаллий бюджет ҳамда бошқа манбалар ҳисобидан 54 миллиард 600 миллион сўм маблағ йўналтирилди. Бундан ташқари, вилоятда “Аёллар дафтари”га қиритилган хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чоралари қўрилди. Жумладан, қарийб 41,5 минг аёлнинг

бандлиги таъминланди. Тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш учун 2 мингга яқинга 25,2 миллиард сўм имтиёзли кредит ажратилди. 6200 дан зиёд аёлнинг яшаш шароити яхшиланди, 14 мингга яқинининг саломатлигини мустаҳкамлаш чораси кўрилди. Хусусан, узоқ йиллар соғлиғидаги муаммодан азият чеккан 30 дан зиёд хотин-қизда ноёб жарроҳлик амалиёти ўтказилди. Ногиронлиги бор фарзанд тарбиялаётган 3405 аёл моддий-маънавий қўллаб-қувватланди. 24,5 мингга яқин аёлга ҳуқуқий, қарийб 30 мингга психологик ёрдам кўрсатилди. Ушбу имкониятдан самарали фойдаланган жуда кўп аёл оила-сингаларимиз, имконияти чекланган аёл-қизларимизнинг ҳаёти ижобий томонга ўзгариши билан бирга эртанги кунга ишончи ҳам ортди. Бугун аёллар нафақат меҳрибон она, балки жамиятнинг фаол иштирокчиси ва ташаббускори сифатида ҳам ўзини яққол намойиш қилмоқда. Юртимизнинг энг чекка туманидан энг чекка маҳалласигача ўз бизнесини йўлга қўйган тадбиркор хотин-қизлар борлиги қувонарли, албатта. Мухими, уларнинг

касб-хунари, тадбиркор бўлишига кўмаклашиб, энг асосийси, бандлигини таъминлаш давлатимизнинг доимий эътиборида. Ҳоразм вилоятида жорий йилда 41 минг 498 хотин-қиз ишсиз сифатида қайд этилган. Миграциядан қайтган ҳамда норасмий банд бўлганларни расмийлаштириш ҳисобига 67 минг 758 нафарнинг бандлиги таъминланди. Аёлларнинг 23 мингга яқини касб-хунарга ўқитилди, 3,5 мингдан зиёдининг тадбиркорлик кўникмалари ва молиявий саводхонлиги оширилди. Бундан ташқари, қарийб 15 минг хотин-қиз доимий ишга, 3145 нафари ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жойлаштирилди. Тадбиркорлик фаолиятини бошлаган 11 минг 592 опа-сингилмизга 299,2 миллиард сўм имтиёзли кредит ажратилиб, бандлиги таъминланди. Хотин-қизларни иш билан таъминлаш, тадбиркорликка йўналтириш жуда кўп муаммоларнинг олдини олишга хизмат қилади. Жумладан, оилавий келишмовчилик ва ажралишлар, хотин-қизлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчилик каби иллатлар қамайишига асос бўлади. Шу маънода, опа-сингилларимизга ўз бизнесини йўлга қўйиш, тадбиркорлик гоалари рўйбега ердан бериш, узоқ вақт бола тарбияси билан банд бўлган, оғир иқтисодий аҳволга тушиб қолган аёлларга талаб юқори бўлган касбларни ўргатиш олдимизда турган долларб вазифалардан.



миграциядаги аёлларнинг доимий меҳнат ва яшаш шароити, муаммолари ўрганилиб, уларга тегишли ҳуқуқий маслаҳат ва кўрсатмалар бериб келинмоқда. Жумладан, вилоят оила ва хотин-қизлар бошқармаси масъул ходимлари Санкт-Петербург шаҳрида миграцияда юрган аёллар билан учрашиб, тегишли тартибда суҳбатлашди. Уларнинг меҳнат фаолияти ва ижтимоий аҳоли ўрганилиб, амалий ёрдам берилди. Шунингдек, оғир вазиятда қолган аёлларни яшаш манзилга қайтариш бўйича тизимли ишлар қилинмапти. Аёл-қизларни ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқародан ижтимоий фаол шахсга айлантириш мотивисиз лозим. Зеро, аёл фаол бўлса, фарзандлари баркамол, оиласи фаровон бўлади, жамиятимиз эса гуллаб-яшнайд.

Аҳоли истаса нақд, истаса пластик карта, истаса электрон тўлов орқали харид қилади. Тадбиркорлик субъекти эса тўловнинг ҳар қандай турини қабул қилишни таъминлаши керак. Аммо харид чеки терминал орқали берилмайди. Кўпчилик шу масалада хато ўйлайди. Гап шундаки, терминал тўлов қабул қилиш апаратыдир. Ундан чиққан "қоғоз" хариддорнинг пул кўчириб берганини тасдиқлайди. Харид чеки эса онлайн назорат кассаси орқали берилади.

Кун мавзуси

ТЕРМИНАЛ ИШЛАМАЯПТИ ДЕГАН БАҲОНАЛАР УТМАЙДИ

Солиқ қоидабузарлиги ҳақида мурожаат қилган истеъмолчи 20 фоиз мукофот пулига эга бўлади

Бошланиши 1-бетда

Савдо ёки хизмат кўрсатиш жараёнида пластик картани рад этганлик ҳам жавобгарлик белгиланган. Чунки ҳозирги кунда юртимизда савдо ёки хизмат кўрсатишда нафақат нақд кўринишида, балки нақдсиз тўлов (электрон тўлов) учун ҳам барча зарурий шароитлар яратилган. Қолаверса, фуқароларнинг кўпи бу амалиётни мобил иловалар ва бошқа усуллар орқали амалга оширишга одатланиб улгурди. Бу анча тезкор ва қулай усул бўлгани ҳолда савдо ҳисоботи юритилишида ҳам афзалликларга эга. Чунки пулни кирим жараёни электрон қайд этиб борилади. Ҳатто савдонинг амалиётида картдан картага ўтказиш ҳам мумкин, фақат юридик шахсга тегишли пластик карталар ёки электрон тўлов орқали тадбиркорлик субъекти ҳисобрақамига ўтказилганида бу қоидабузарлик саналмайди. Агар тўлов жисмоний шахснинг картасига тушса, тушумнинг назорати йўқ ва бу тушумни яшириш орқали тадбиркор солиқдан қочган ҳисобланади. Бунинг қондага энд эканини харидорга харид чеки берилмаслигини ҳам билиш мумкин.



Ваҳоланки, ҳукуматнинг тегишли қарори билан тадбиркорлик субъекти ҳар қандай савдо қилинганда ва хизмат кўрсатилганда харид чекининг берилиши белгилаб қўйилган. Тадбиркорлик субъектида харид чеки берилмай савдо ёки хизмат кўрсатилганида тушум пулини кирим қилмади, демак, у солиқдан бўйин товлайпти. Солиқ кодексига товар ва хизматлар реализация қилинганда унга чек бериш солиқ тўловининг мажбурияти этиб белгиланган. Назорат-касса техникаси ёки ҳисоб-китоб терминаллари қўлланилиши мажбурий бўлгани ҳолда уларни қўллагандан савдонинг амалга оширилганлиги ва хизматлар кўрсатилганлиги, шунингдек, ҳисоб-китоб терминаллари орқали тўловларни қабул қилишни рад этганлик қонунбузарлик сифатида баҳоланади. Бундай ҳолат тадбиркорлик субъектига 5 миллион сўм, ҳуқуқбузарлик йил давомида қайта такорланганида эса 10 миллион сўм миқдорига жарима солиншига сабаб бўлади. Жорий йилда худди шундай ҳолат бўйича солиқ органи ходимлари тўмонидан 3 мингтадан зиёд сайёр солиқ текшируви ўтказилган.

— Демак, савдо ва хизмат кўрсатувчи тадбиркорлик субъектлари тўлов терминалларида фойдаланиш ҳамда харидорга чек беришга мажбур? — Албатта. Савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларида ҳисоб-китоб терминаллари ишлатилиши керак. Чунки ҳозирги кун талаби шундай. Аҳоли истаса нақд, истаса пластик карта, истаса электрон тўлов орқали

қулай бўлди. Қулайлик тарафи шуки, тадбиркорда ўзидан қанча савдо бўлгани, қайси товарларига эҳтиёж ортгани (тутагани) ва бизнесдаги бошқа жараёнларни онлайн кузатиб бориб режалаштириш имконияти бўлади. Бугунги кунда ҳар бир онлайн назорат касса техникаси махсус онлайн НКТ ахборот тизими орқали реал вақт режимида кузатиб борилади. Қурилмалар ишлатилмаган тақдирда сабаблари ўрганилиб, қонунбузилиш ҳолатлари аниқланганида тегишли чоралар кўрилади.

Ҳозирги замонавий онлайн назорат кассалари барча турдаги карталарни қабул қилиш имкониятига эга. Аслида, кассалардан танлов асосида (нархи, имконияти, қулайликлари) фойдаланиш тадбиркорлик субъекти ихтиёрида, аммо бу истеъмолчининг норозилиги ва харид чекини бермасликка сабаб бўлмаслиги лозим. Агар қурилмани ишлатмасликка чиндан ҳам электр токи йўқлиги, аппарат бузилиб қолгани каби ҳолатлар сабаб бўлса, бундай вазиятлар қонунчиликда инобатга олинган. Яъни бу каби ҳолатларда тадбиркорлик субъекти дарҳол солиқ органларига ва техник хизмат кўрсатувчига (тузатиш ёки вақтинча алмаштириш) мурожаат қилиши ва буни тегишли тартибда расмийлаштириб қўйиши керак. Тадбиркорнинг талабига кўра, онлайн назорат касса техникаси ишлаганига қадар харидорларга қоғоз кўринишида қвтанча беришга рухсат этилади. Электрон қурилма ишлаганида вақтда тадбиркорлик субъектининг фаолият юритмасликка ҳаққи бор. Агар ҳисоб-китоб терминали ҳам ишлаганида бўлса ва харидорларга

тўлови учун чек беришнинг мутлақо иложи бўлмаса, ўз-ўзидан аҳолига хизмат кўрсатишга рухсат берилмайди. Яъни ҳар қандай ҳолатда ҳам харидорларга харид чеки қоғоз ёки электрон кўринишида берилиши шарт.

— Харид чекини сўраб олманган ёки талаб қилмаган хариддорларнинг ўзи ҳам қоидабузар ҳисобланадими?

— Йўқ, қонунчиликда бу назарда тутилмаган. Чекни олманганлик учун хариддорни айблаш нотўғри бўлади. Чунки истеъмолчи харид чекини сўрайдими ёки йўқ, уни бериш тадбиркорлик субъектининг вазифаси. Чекни олиш-олмаслик ёки олса ҳам ташлаб юбориш эса хариддорнинг ихтиёрида. Лекин товар сотилганда ёки хизмат кўрсатилганда харид чекини шаклдаги харид чекини, албатта, истеъмолчига бериш керак, акс ҳолда, бу қоидабузарлик саналади. Тасаввур қилинг, чекни чиқариб бериш учун қанча вақт кетади? Бу вақтда харидор гойиб бўлиб қолиши ёки қочиб кетиши имконсиз. Шундай бўлган тақдирда ҳам савдо ёки хизмат кўрсатувчи харидни онлайн назорат кассасига кирим қилиб, чекни чиқариб қўйиши керак. Электрон тизим чек чиқарилганини қайд этади ва бу қонун доирасидаги ҳаракат саналади.

Ҳозир одамларда харид маданияти анча шаклланиб борапти. Аҳолининг ўзи харид чекини сўраб олаётгани ижобий жиҳат. Бунга уларни хариддан қайтарилмаган "қэшбек"ларни тўплаш иштиёқи ҳам рағбатлантираётгани рост. Биргина жорий йилнинг саккиз ойида жисмоний шахсларга харид қийматида 631 миллиард сўмга яқин маблағ 1 фоиз қэшбек сифатида қайтарилди.



Бундан ташқари, чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида электрон тижорат, яъни маркетплейсларнинг маълумотлар базаси солиқ органлари ахборот тизими билан интеграция қилиниб, хариддорларга бу йил умумий қиймати 66,2 триллион сўмлик 1,4 миллиард дана электрон чек тақдим этилди. Бунинг натижасида автоматик тарзда 386,1 миллион дана электрон чек учун 175,1 миллиард сўм қэшбек ҳисобланди.

Оқорида турли баҳоналар билан пластик карталарни қабул қилмаслик, нақд пулда савдо қилишга ундаш, харид чекини тақдим этмаслик каби қоидабузарликлар ҳақида гапирдик. Бундай вазиятларда асосан, истеъмолчилар ҳақ бўлади. Уларда шу каби ҳолатларда солиқ органларига мурожаат қилиш, бу орқали ҳатто мукофот пулига эга бўлиш имконияти мавжуд. Яъни харидор солиққа оид ҳуқуқбузарликка дуч келса, бу ҳақда "Soliq" мобил иловасининг "Солиқ ҳамкор" бўлими орқали шахсини тасдиқловчи рўйхатдан ўтган ҳолда ёзма ёки ўзига яқин бўлган ҳудуддаги солиқ инспекциясига бевосита бориб, тегишли ишонч телефони орқали оғзаки мурожаат қолдириши мумкин. Мобил иловадан фойдаланиш давомида "Мурожаатингиз учун мукофот олишни хоҳлайсизми?" деган саволга "ҳа" ёки "йўқ" тарзида жавоб беради. Агар фуқаро мукофот олишни истаса ва йўланган мурожаат ўз тасдиғини топса, тадбиркорга қўлланган жариманинг 20 фоиз мурожаатчига берилади. Ҳозиргача ушбу йўналишда тўланган мукофотлар суммаси 25 миллиард сўмдан ошди.

Келиб тушган мурожаатлар сони эса жорий йил 1 октябрь ҳолатига 70 мингдан зиёди кўрсатилди. Улар асосида ким 26 минг 400 та тадбиркорлик субъектига сайёр солиқ текшируви ўтказилиб, уларга нисбатан 85 миллиард сўмдан ортиқ молиявий жарима қўлланган. Мурожаатларнинг 99,1 фоизда ҳуқуқбузарлик ўз тасдиғини топган. Хар бир мурожаат, албатта, ўрганилади ва ҳуқуқбузарлик аниқланмаган тақдирда тадбиркорга чора кўрилади. Яъни мурожаатларни шунчаки пул учун қилинаётган ҳаракат сифатида баҳолаш нотўғри. Аксинча, бу фуқаролик назоратининг кўринишларидан бири бўлиб, одамлар ҳуқуқбузарликларга бефарқ эмаслиги, ўз ҳақини таниб бораётганидан далолат.

"Янги Ўзбекистон" мухбири Ирода ТОШМАТОВА суҳбатлашди.

Янгича ёндашувлар

САНОАТ КОРХОНАЛАРИНИ ВЕРТИКАЛ ЎСТИРИШ ТАЖРИБАСИ

Бошланиши 1-бетда

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 17 июлдаги ҳудудлар ва тармоқларда иқтисодий ўсиш суъратларини таъминлаш бўйича биринчи ярим йиллик таҳлили ҳамда йил якунига қадар устувор вазифалар муҳофазаси юзасидан ўтказилган видеоселектор турдаги маҳаллийлаштириш йўналишини ривожлантириш бўйича қатор вазифалар берилган эди. Сурхондарё вилоятида мазкур топшириқлар ижроси доирасида қатор ишлар қилинган.

Сурхондарёда 2024 йил январь-август ойлари давомида 33 та корхона томонидан 132,6 миллиард сўмлик маҳаллийлаштирилган саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш режалаштирилган бўлиб, амалда 176,3 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. — Бугунги кунда маҳаллийлаштириш дастури доирасида йигирмадан ортиқ турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилди, — дейди Сурхондарё вилояти иқтисодий ва саноат бўшқармаси бўлим бошлиғи Феруз Ҳайдаров. — Бундан кейинги дастурларимизда ҳам импорт ўрнини босувчи маҳсулотларни жадаллик билан ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш бош мақсадларимиздан бири саналади.

Сурхондарёда саноатни ривожлантириш борасида берилган топшириқлар ижроси доирасида ҳам ишлар изчил давом этапти.

Сурхондарёда бу қандай натижа беряпти?

Бугунги кунда ҳудудда 5700 та саноат корхонаси фаолият юряпти. Улардаги ишлаб чиқаришларнинг камчилик ва муаммоларни бартараф этиш мақсадида жойларда саноат штаблари ҳам ташкил этилган.

— Ҳар бир туман ва шаҳарларимизда саноат зоналарини ташкил этиш ва юретиш штаблари бор. Саноат корхоналари жорий йилнинг январь-сентябрь ойи давомида 8 триллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарган. Бу ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суърати 108 фоизга тенг бўлди, дегани. "Гидудон қатор тажрибаси" асосида саноат корхоналарини вертикал ўстириш тажрибаси асосида вилоятдаги 88 маҳаллада 124 та лойиҳа амалга оширилди, — дейди Феруз Ҳайдаров. — Асосан, бунда тикувчилик, қандолатчиликдан йирик ишлаб чиқаришга қўтарилиб боради. "Зардор тажрибаси"га мувофиқ эса ҳар бир тумандан 5 та лойиҳа драйвер сифатида танлаб олинган. Йил якунига қадар 10 мингта иш ўрни яратмоқчимиз.

Ҳудудларнинг ишлаб чиқариш, ресурс салоҳиятидан комплекс ва самарали фойдаланишни таъминлаш, транспорт, муҳандислик-коммуникация ҳамда ижтимоий



инфратузилмани ривожлантиришда эркин иқтисодий зоналарнинг алоҳида ўрни бор. — Маҳаллийлаштириш дастури доирасида жорий йилнинг якунига қадар

оптималлаштиришга эришилди, — дейди Сурхондарё вилояти ҳокимлиги етакчи мутахассиси Ҳумоидин Ҳороқов. — Давлатимиз раҳбари раислигидаги видеоселектор ижроси доирасида шу кунга қадар вилоятда 174 та корхона рўйхатдан ўтказилиб, 200 дан ортиқ маҳсулот электрон кооперация порталига жойлаштирилган.

Бугунги кунда вилоятда 1 та эркин иқтисодий зона ва унинг учта ҳудудий филиали фаолият юритмоқда. Уларда умумий қиймати 150 миллион долларлик 3 та лойиҳа амалга оширилиши натижасида юздан ортиқ иш ўрни яратилган. Бундан ташқари, айни вақтда қатор лойиҳалар бўйича ҳам ишланипти. Мазкур корхоналар иш бошлагач, 1700 та янги иш ўрни яратилади.

— Иқтисодий зонада 15 та йирик лойиҳа амалга оширилди. 4 таси жорий йилнинг ўзида, қолгани 2025 йилнинг биринчи ярмида ишга туширилади, — дейди "Термиз эркин иқтисодий зонаси дирекцияси" ДУК директори Муҳаммад Чоиллов. Эркин иқтисодий зоналарда ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни чуқурлаштириш ва саноат кооперациясини кенгайтириш ҳисобидан импорт ҳажми ва турларини мақбуллаштириш, шунингдек,

экспорт прогноз кўрсаткичларини ошириш борасида қатор ишлар қилинмоқда.

Тадбиркорликка қаратилган эътибор ортаётгани аҳоли фаровонлигини таъминлаб, янги иш ўринлари ташкил этишда алоҳида аҳамият касб этмоқда. Айниқса, кичик ва ёшлар саноат зоналарида ёшларнинг тадбиркорликка оид ташаббуслари, стартап лойиҳалари ва амалий тадқиқотлари натижалари рўйга чиқарилиши, саноат ва хизмат кўрсатиш соҳаларидаги лойиҳалари ҳар томонлама қўллаб-қувватланапти.

Вилоятда бугунги кунда умумий 181,3 гектар майдонда 53 та кичик ва ёшлар саноат зонаси ташкил қилинган. Жумладан, 36 та кичик саноат зонасида 129,2 гектар, 17 та ёшлар тадбиркорлик саноат зонасида 52,1 гектар ер ажратилган. Айни пайтда уларда 50 нафар ёш тадбиркорнинг қиймати 96,3 миллиард сўмга тенг саноат лойиҳалари жойлаштирилган. Жойлаштирилган лойиҳалар доирасида 29 лот учун ёш тадбиркорларга 16,9 миллиард сўм имтиёз лотлар ажратилган ва қолган лотлар учун кредитлар ажратилиш жараёни давом этмоқда.

— Вилоятимиздаги кичик ва ёшлар саноат зонасида 202 та лойиҳа доирасида 270 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш кўзда тутилган. 1672 та янги иш ўрни ҳам яратилган. Ҳозирча бешта туманда кичик ва ёшлар саноат зонаси ташкил этилган бўлиб, бошқа туманларда ҳам бу жараён бошланган. Биргина Термиз шаҳридаги "Тинчлик" кичик ва ёшлар саноат зонасининг ўзида 7 та истиқболли лойиҳа самарали йўлга қўйилди, — дейди "Тинчлик" кичик ва ёшлар саноат зонаси бош мутахассиси Абдурауф Мавлонов.

Сарвар ТЎРАЕВ, "Янги Ўзбекистон" мухбири



Фофур АБДИЛАКИМОВ, Тошкент давлат педагогика университети ўқув-усlubий бошқармаси бошлиғи, иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори, профессор

Ёш авлодга замон талаблари асосида билим бериш учун, табиийки, ўқитувчи-педагоглар малакаси ва маҳорати юксак бўлмоғи лозим. Бугун ёшлар жуда илгор фикрламоқда. Демак, дарсларни ҳам шундай илгор фикрли ёшлар талабига мос, юқори даражада ташкил этиш учун ўқитувчи ҳар бир машғулотга мунтазам тайёргарлик кўриши, касбий маҳоратини изчил ошириб бориши зарур. Ўқитувчи маҳоратини, тажрибасини кўрсатадиган мезонлар жуда кўп. Шулардан бири очик дарсдир.

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети профессор-ўқитувчилари 2024/2025 ўқув йилининг биринчи ярим йиллигида 1366 та очик дарс ўттириш режалаштирилган. Жумладан, 2024 йилнинг сентябрда 148 та, октябрда 568 та очик дарс ташкил этилди.

Хўш, очик дарс деганда қандай машғулотно назарда тутамиз? Уларнинг ўзига хослиги нимада?

Очик дарс моҳияти ва мақсади

Очик дарс — ўқитувчининг маҳорати, ижодкорлик, новаторлик кўникмалари намоён бўладиган машғулот. Унга тайёргарлик жараёни педагог учун ўз малакасини ошириш шакли ҳамдир. Чунки айнан очик дарсга тайёрланиш ва ўтказиш жараёнида ўқитувчи бор тажрибасини аниқлаш ва тузишга жадал йўналтиради.

Олий таълим муассасаларида очик дарслар бакалаврият таълим йўналиши ёки магистратура мутахассислиги ўқув режасида кўзда тутилган фанлар бўйича ўтказилади. Ушбу машғулотлар режаси кафедралардаги профессор-ўқитувчилар томонидан тузиб чиқилади. Сўнг ўқув-усlubий кенгаши йиғилишида муҳокама қилиниб маъқулланган, факультет декани ва ўқув ишлари бўйича проректор томонидан тасдиқланади.

Тайёргарлик жараёни ва дарсни ўтказиш амалиётида ўқитувчи чинакам маънода тадқиқотчига айланади. Жумладан, очик дарс ўтказилган фан, мавзу, таълим йўналиши, гуруҳ, аудиторияни белгилайди. Очик дарс ўттириш билан боғлиқ илмий-усlubий, техник зиддиятлар ва муаммоларни аниқлайди, уларни бартараф этиш чораларини кўради. Утказилган дарснинг кузатувчилар назари билан таҳлил қилиниши орқали эътироф этилган муайян ютуқларини келгусида янада ривожлантириш, кўрсатилган камчиликларни бартараф этишга ҳаракат қилади. Энг муҳими, жараёнлар якунида ўқитувчи-педагогнинг ўзини ўзи такомиллаштириш эҳтиёжи юзата келади. Бу дарснинг муҳимлиги ҳам ана шунда.

Бундай машғулотлар барча профессор-ўқитувчилар томонидан бир йилда камида 4 марта, яъни ҳар семестрда 2 марта ўтказилади. Очик дарс мавзусини танлаётганда олдинги ўқув йилидаги мавзулар айнан тақрирланганлигига алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Дарслар замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, ўқитишнинг интер-фаол методларидан фойдаланилган ҳолда



ОЧИК ДАРС

Ўқитувчи салоҳиятини белгиловчи тамойиллардан бири

Бугун олдимизда турган энг муҳим ва долзарб муаммолардан бири — Ўзбекистон ҳудудига яшовчи ҳар бир ёшни, миллати, тили ҳамда динидан қатъи назар, баркамол, етук, онгли, фидойи, ижтимоий фаол фуқаро этиб тайёрлашдир. Чунки жамият манфаати йўлида барча билими, қобилияти ва истисодидини бағишлашга тайёр етук инсонлар, уддабурон ёшлар, фаол фуқаролар бўлмаса, мамлакатни дунёдаги энг илгор давлатлар сафига қўйиш қийин кечади.

академик гуруҳларда тасдиқланган жадвал бўйича, олдиндан эълон қилинган мавзу асосида ўтказилади.

Очик дарслардан профессор-ўқитувчиларнинг касбий маҳоратини ошириш, ёш педагогларни илгор педагогик технологиялар ва ўқитишнинг интерфаол методларини қўллаган ҳолда машғулотлар ўттиришга ўргатиш, давлат таълим стандарти талаблари (касбий стандарт) асосида касбий ва педагогик маҳоратини доимий равишда такомиллаштириш каби асосий мақсадлар кўзда тутилади.

Талаблар ва шакллар

Ҳар қандай очик дарс тайёрланишдан бошланади. Дастлаб профессор-ўқитувчи очик дарс ўттириш вақтини оптимал режалаштириши, ўз устида тинимсиз ишлаши, фойдаланиш учун танлаб олинган манбаларни чуқур ва атрафлича ўрганиши, машғулот турига қараб, услуб ва воситаларни тўғри танлаш олиши зарур.

Кафедраларда муайян ўқитувчи томонидан очик дарс ўттириш ҳақида камида бир ҳафта олдин эълон бериледи. Университет электрон платформасига ушбу эълон жойлаштирилиши, унда машғулот мавзуси, профессор-ўқитувчининг исм-фамилияси, илмий даражаси, унвони, шунингдек, дарс ўтиладиган жой, кун, вақт ҳамда академик гуруҳ рақами ва таълим йўналиши кўрсатилиши зарур. Очик дарсга турдош кафедра ёки олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, ишлаб чиқариш корхоналари мутахассислари, академик лицей (касбий таълим), умумтаълим мактаблари ўқитувчилари ёки соҳанинг йирик олимлари, таниқли



вакиллари тақлиф этилиши мумкин. Очик дарсда факультет декани, кафедра мудири, ўқув-усlubий бошқарма услубчиси, таълим сифатини назорат қилиш бўлими ходимларидан бири иштирок этиши шарт.

Очик дарсларнинг мазмун-моҳияти ва илмий-усlubий савияси юзасидан атрафлича муҳокама машғулотдан сўнг — бўш пайтда тегишли фан кафедрасида ўтказилиши ва ушбу муҳокама баённома билан расмийлаштирилиши машғулот самарадорлигини таъминлашга хизмат қилади. Ушбу дарс тўғрисидаги ташқи фикр-мулоҳазалар ёзма равишда факультет декани, кафедра мудирига тақдим этилади. Чунки ушбу фикр-мулоҳазалар асосида юқори савияда ўтказилган очик дарс натижалари профессор-ўқитувчиларнинг йиллик рейтинг кўрсаткичларини аниқлаш, тажрибасини оммалаштириш, давлат мукофотларига тавсия этиш, аттестациядан ўтказиш, илмий унвонлар беришда муҳим омил.

Баъзан ўқитувчи у ёки бу педагогик ҳаракатларни лойиҳалаштириб, намойиш қилади, лекин уларни асослаб бермайди. Айрим пайтларда ўқитувчи бутун дарс мобайнида фақат ўзининг билиминини намойиш қилади, талабаларни эса ўқув жараёнига етарли даражада жалб қилмайди. Баъзи ҳолларда очик дарсда ўйин технологияси қўлланиб, ўқитувчи шу даражада берилиб кетадики, дарснинг асосий мазмунидан кўра ўйин устувор бўлиб қолади. Баъзан очик дарс ўттиришда ўқитувчининг ҳаддан ташқари методларни қўллайтириб юбориши ҳолати ҳам учрайди. Бунда ҳам талабалар дарснинг асл мазмун-моҳиятидан кўра кўпроқ методларга боғланиб қолади.

Ҳар қандай, жумладан, очик дарс сифатининг асосий мезони ўйин-кулиги, турли иш турларидан фойдаланиш эмас, талабаларнинг тайёргарлиги, дарс мақсадларига эришишидир. Ўқитувчининг маданияти, интеллектуал ва ахлоқий қиёфаси дарс самарадорлигининг асосий шартларидан.

“Бир тилни билган — бир одам, икки тилни билган — икки одам” деган гап бор. Қолаверса, миллий кадрларнинг янги авлодини тайёрлаш энг устувор вазифа саналган бир даврда таълим муассасаларига хорижлик “тил эгалари”ни жалб қилиш инновацион ғояларнинг дадил ташаббускори бўлган иқтидорли йигит-қизлар камол топишига хизмат қилади.

2024 йил 30 октябрь, 220-сон



Юксалиш палласи

ИККИ ТИЛНИ МУКАММАЛ БИЛИШ



Рисолат МАДИЕВА, “Янги Ўзбекистон” мухбири

Бошланиш 1-бетда

Райн Круз мамлакатимизга икки йил олдин сайёҳ сифатида келганди. Тинч ва осойишта, қадимий ва нақирсон шаҳарларимиз, меҳмондўст ва бағрикенг халқимиз, мавзунда катта таассурот қолдирди. Ўз ватанидан ташқарида инглиз тилини ўргатиш истагида юрган ўқитувчини ўзбек йигит-қизларнинг тил билишига иштиёқи бефарқ қолдирмади. Таълим тизимидаги ислохотлар, хусусан, хорижий тилларни ўқитишга қаратилган эътибор билан танишаркан, Ўзбекистонда ишлаш ҳаётига янгича мазмун бағишлаши, муносиб шогирдлар этиштири олиши, меҳнатининг самарасини кўришига ишончи ортиб борди. У ўз юртига — АҚШга қайтган, хорижий таълим ортиб келган, ўзбекистонда ишлаш истагини билдирди. Жорий ўқув йили бошида Утепа туманидаги 74-умумтаълим мактабида инглиз тили ўқитувчиси сифатида фаолият бошлади.

— Келган кунимданок ҳамма мени яхши кутиб олди, — дейди Райн Круз. — Ҳамкасбларим мактабни, болаларни, дарс жараёнларини ўрганишимга кўмак берди. Уй-жой масаласи ҳам тезда ҳал этилди. Мен ҳеч қанақа қийинчиликка учрамадим. Халқимизнинг ўзганинг мушкулга бефарқ эмаслиги, иккиланмасдан даров ерда қўлини чўзиши менга жуда ёқди.

У инглиз тили, асосан, реал ҳаётда қўлланилишига эътибор қаратади. Тилни фақат ўқиш эмас, айнан қўллашга йўналтирилган методлар билан ишлайди. Ўқувчиларга кўпроқ имконият беради. Ўқитувчи эмас, балки ўқувчилар ҳам гапириши керак деб ҳисоблайди.

Юртимиз дунё тамаддунига бешиқ бўлиб келган. Буюк алломаларимизнинг жаҳон цивилизациясига қўшган беназир ҳиссаси ҳануз илм-фан ривожига самарали таъсир кўрсатиб келмоқда. Бугунги ёшлардан умид катта. Билимли, салоҳиятли, ташаббускор ёшлар янги Ўйғониш даврига пойдевор қўйишига ишонч билдирилмоқда. Уларнинг ўқиш, изланиш йўлида дадил одимлаётгани қувонарли.

— Бу ерлик ўқувчилар жуда салоҳиятли ва тил ўрганиш дунё эшикларини очошга асос эканини яхши англайди. Улар инглиз тилини ўрганишга астойдил қизиқиши таҳсинга сазовор. Мен “тил ташувчиси” сифатида буни жуда яхши тушунаман. Ўзининг йўлини, келажagini белгилаб олган ўқувчиларга дарс бериш мен учун ҳам шароф, — дейди у.

Чет тилда аудио тинглаш, талаффузини яхшилаш учун китобни банд овозда ўқиш ёки мунтазам равишда янги сўз ўрганиш шартли равишда кўпроқ қўйилган эканми, бундан буюн мактаб, лицей, коллеж ва олий ўқув юрти битирувчилари камида 2 та чет тилини мукаммал билишлари шарт. Бу қатъий талаб ҳар бир таълим муассасаси раҳбари фаолиятининг асосий мезонига айланиши лозим”, деган эди.

Юртимизда ўқитишнинг интерфаол усуллари ва замонавий технологиялардан фойдаланиб дарс ўтаётган хорижлик мутахассислар ўқувчиларни чет тили ўзларига қўлай ва самарали, мукаммал ўрганишида

БУ ҚАТЪИЙ ТАЛАБ АСОСИЙ МЕЗОНГА АЙЛАНМОҚДА

билиш муҳим аҳамият касб этади. Тил билиш бошқа мамлакатларнинг анъаналари, урф-одатлари, адабиёти ва санъати билан яқинроқ танишиш, юртингизда кечаётган янгилианишлар ҳақида ўзга тилларда гапириб бера олиш, чет элликларни ана шу ўзгаришлардан бохабар қилиш учун ажойиб имкониятдир, — дейди у.

Юртимиз дунё тамаддунига бешиқ бўлиб келган. Буюк алломаларимизнинг жаҳон цивилизациясига қўшган беназир ҳиссаси ҳануз илм-фан ривожига самарали таъсир кўрсатиб келмоқда. Бугунги ёшлардан умид катта. Билимли, салоҳиятли, ташаббускор ёшлар янги Ўйғониш даврига пойдевор қўйишига ишонч билдирилмоқда. Уларнинг ўқиш, изланиш йўлида дадил одимлаётгани қувонарли.

Чет тилларни ўрганиш нафақат дунёқарашингизни кенгайтириш усули, балки шахсий, маданий ва профессионал ўсиш учун фойдали воситадир, — дейди 74-умумтаълим мактабининг 10-синф ўқувчиси Исроил Толибонов. — Ҳаётдаги мақсадингиздан қатъи назар, чет тилда гапириш янги имкониятлар ва иштиқболларга йўл очади. Шу боис, хорижий тилларни чуқур ўрганишга ҳаракат қилияман. Бунда инглиз тили устозимиз Райн Крузнинг ҳиссаси катта бўляпти. Жонли мисоллар, мулоқот ва ўйинларга асосланган машғулотлар жуда қизиқарли.



ўқитишнинг янада самарали ташкил этилишига кўмак бермоқда.

— Ситуацион методлардан фойдаланяман, — дейди Жеймс. — Бунда мен кўпроқ ўйинларга ургу бераман. Ўқувчиларга ҳар хил вазиятли ҳолатлар, муҳит яратаман. Шу вазиятларда улар ўзини тутишни, гапиришни ўрганади. Ролга киришишнинг кўпгина усулилариди бор. Креатив фикрлашни ривожлантириди. Кузатиб келятман, кўпгина ўқувчилар жамоа олдидан нутқ сўзлаш керак бўлса, тайёр матни роботта ўқшаб ёрлаб олиб, шуни гапиради. Ролли ўйинлар эса унинг креатив фикрлаши, ўз фикрини эркин баён этиши, нутқи ривожланишига ёрдам беради. Мен ўқувчилар ва маҳаллий ҳамкасбларимга хорижий тил муҳити, реал муҳитини беришни, уни ҳис эттиришни хоҳлайман ва шунинг учун келдим. Одамлар дунё бўйича чекланган ресурсга эга. Ҳар доим ҳам хорижлик одам билан мулоқотга киришишига имконият бўлавермайди. Уша имкониятни бериш, ҳақиқий ўқитиш муҳитини яратиш мени келганман.

Бир инсонни, бошқа бир жамият вакилини тўғри тушуниш ўзининг қандай ҳаёт кечирини аниқлай олишига кўмак беради. Ундан ташқари, икки-уч тилда гапира оладиган одамларнинг битта тилни билдиганларга нисбатан таҳлилий фикрлаши кучлироқ бўлади. “Бир тилни билган — икки одам, икки тилни билган — икки одам” деган гап бор. Қолаверса, миллий кадрларнинг янги авлодини тайёрлаш энг устувор вазифа саналган бир даврда таълим муассасаларига хорижлик “тил эгалари”ни жалб қилиш инновацион ғояларнинг дадил ташаббускори бўлган иқтидорли йигит-қизлар камол топишига хизмат қилади.

Мана шундай матонатли, санъатдан қувват олиб, фақат олға интилаётган, ёш авлодга ўрناق бўлиб келаётган санъаткорга ҳамisha саломатлик тилаймиз. Назаримда, Мансур ака аллақачон ўзбек санъати саҳифаларида ўз номини мангуга муҳрлади. Энди уни янада мустақамлаш йўлида узоқ ижод қилиш насиб этсин!



Мансур Тошматов таваллудининг 70 йиллигига

“САНЪАТИМ – ҲАЁТИМ, УСИЗ ҲЕЧ КИММАН”

Ўзбекистон халқ артисти Мансур Тошматов билан суҳбатлашиш учун Ботир Зокиров номидаги Миллий эстрада санъати институтига бордик. Устоз ижодкорни ёшлар қуршовида кўрдик. Улар орасида қатор халқаро танловлар ғолиблари, ижоди билан танилиб, муносиб тақдирланаётганлар борлигидан хабардор бўлдик. Устоз эса 70 ёшда ҳам мана шундай умидли йигит-қизларни камол топтиришга муносиб ҳисса қўшмоқда.

Ғанижоннинг ашула айтадиган ўғли

Ўзбекистон халқ артисти Ғанижон Тошматовнинг фарзандлари (6 ўғил, бир қиз) орасида болаликдан мусиқага меҳри тушган Мансур Тошматовга аслида Маъмур исми қўйилганини кўпчилик билмайди. Бироқ унинг эстрада санъати фидойиларидан эканини яхши билдирганлар кам эмас. Зеро, устоз санъаткор Жўраҳон Султонов тўғрисида ўзлашиб кетган Мансур исми қаҳрамонини элга танитди.

Мақтабни тамомлаётган кезлари эстрадага меҳри тушган Мансур мусиқали театр актёрлиги йўналишини танлаган эди. Уша паллада қишлоқ хўжалиги институтининг “Гулдаста” ансамблига ҳам тақлиф қилинган. Унга бу ерда кўриниб турса, институтга қабул қилиниши осон бўлиши айтилган. Бироқ отасининг “Кетмон чопиши биласанми? У ерда шунақа ишларни билдирилган ўқийди. Агроном бўлиш керак, нимадир етиштириш керак”, дегани йигитни ўйлантириб қўяди. Шундан сўнг Тошкент театр ва рассомлик институтига боради.

Мақтабни бир тилда тамомлагани боис, институтда рус эса қийинликларга, тажрибали устозлар қўлида шаклланди. Мусиқага муҳаббати барча қийинчиликлардан устун келди. Таалаблик чоғидаёқ “Ялла” эстрада вокал чоғу ансамблида ижод қилди.

— Оиламизда фақат мени мусиқа мактабига беришган. Бола эдим, ака-укаларимга ўхшаб мириқиб футбол ўйнаганим келарди, бироқ дарга кетардим. Композитор Шариф Рамазоновдан мусиқа таълимини олдим. Уйимизга Самарханов, Ҳалима Носирова, Жўраҳон Султонов, Маъмуржон Узоқов, Муқаррам Тургунбоева тез-тез келиб турарди. Аскиялар, мушоиралар бўларди. Отам мусиқа мактабига боришимни айтганим, меҳмонлар кўпроқ менга эътибор қаратар. “Сен Ғанижоннинг ашула айтадиган ўғлисанми?” деб сўраб қўярди. Чой ташиб, хизмат қилиб юриб, катта санъаткорлар назарига тушган экман. Чиндан ҳам “Ғанижоннинг ашула айтадиган ўғли”га айландинг. Уша пайтлари биз, болалар уларни шунақачи дадамизнинг меҳмонлари деб билибмиз. Ҳозир санъатимиз даргалари уйимизда кўп бора меҳмон бўлганидан фахрланамиз.


Уғлининг чет эл кўшиқларини бийойидек айтаётганини эшитган Ғанижон ака унинг шу овоз билан катта ашулалар ҳам айтишини

истарди. Зеро, серқирра санъаткорнинг ўзи “Ушшоқ”, “Сегоҳ”, “Насри сегоҳ”, “Дугоҳ”, “Фаргона бузруғи”, “Чапандози баёт” каби ўнлаб мақом йўли, “Яланг даврон”, “Нисор”, “Муножот”, “Тановар”, “Тонг отгунча” каби халқ куйларини, ўзи басталаган “Кезарман”, “Гулжамол” сингари мураккаб асарларни маромига етказиб ижро этган. Дуторчи қизлар ансамблини ташкил этганига қадар қатор театрлар, турли ансамблларда меҳнат қилиб, муштов мусиқа санъатимиз ривожига ҳисса қўшди. Шундай санъаткорнинг фарзанди нега эстрада йўналишини танлагани ҳақидаги савол суҳбатдошимизга кўп берилган. Бунга жавобан у халқимиз орасида катта ашулани маромига етказиб айтадиганлар кўплиги, эстрадада ҳам Ўзбекистонни дунёга танитиш кераклиги ҳақида ўйлаганини айтади. Шу маънода, у эстрада санъатини мукамал эгаллади. Халқаро танловларда танила борди. Адабиётини қўшиқ орқали ифода қилгани учун Нобель мукофоти ни олан америкалик Боб Диланга ҳавасманд бўлди. Бундан ташқари, Фрэнк Синатра, Рэй

Шунда ёшларга етарлича билим бериш мумкин. Ҳозир айрим ўқитувчилар кўпроқ китоб ўқиш, ўз устида тинимсиз ишлаш кераклигини тушуниб етмайпти. Бадий китоб ўқиш, шеър ёллаш санъаткорнинг сўз бойлигини оширади, нутқини раван қилади, хотирасини мустақамлайди. Ҳаваскор бўлиб кетаётган ёшларда шу жиҳатлар етишмаяпти. Бироқ хаваскорлик профессионалликдан “ўзиб” кетаётгани ачинарли. Профессор катта авлод вакиллари ривожини таъминлаш кераклиги ҳисса қўшди. Шундай санъаткорнинг фарзанди нега эстрада йўналишини танлагани ҳақидаги савол суҳбатдошимизга кўп берилган. Бунга жавобан у халқимиз орасида катта ашулани маромига етказиб айтадиганлар кўплиги, эстрадада ҳам Ўзбекистонни дунёга танитиш кераклиги ҳақида ўйлаганини айтади. Шу маънода, у эстрада санъатини мукамал эгаллади. Халқаро танловларда танила борди. Адабиётини қўшиқ орқали ифода қилгани учун Нобель мукофоти ни олан америкалик Боб Диланга ҳавасманд бўлди. Бундан ташқари, Фрэнк Синатра, Рэй

Давлатимиз раҳбари Ботир Зокиров номидаги Миллий эстрада санъати институтига таширф буюрганида бу ерда тахсил олаётганлар халқаро аренада ўзбек санъати ва маданиятини кенг тарғиб қилиши кераклигини таъкидлади.

— Бунинг учун мамлакатимизда барча шароит бор, — дейди устоз санъаткор. — Қатор давлатларини Ўзбекистон билан қиёсланганда



Хорижий тилларда ижро этган кўшиқлари билан кўпчилиكنинг қалбидан чуқур жой эгаллаган. Турли миллатта мансуб шинавандалар Мансур Тошматовнинг катта тадбирлар, анжуманлар, конкурслардаги чиқишларига маҳдид бўлган. Улар бу ашулаларни севиб тинглайди. Дунёнинг қайси жойида юрмасин, мусиқа оламини кузатиб борувчилар уни дарҳол танган. Бугун тажрибали устоз 70 ёшни қарши олаётган бўлса-да, институтимиз профессори сифатида кадрлар тайёрлаш, ўзининг мактабни яраттишда давом этади.

“Нафақада эканимни тан олгим келмайди”

Айни кунларда 70 йиллик юбилейига тайёрликдан қаҳрамонимизнинг қўли қўлига тегмаётир. Ўзбекистон давлат филармонияси хузуридаги жаз оркестри раҳбарлигидан ташқари олийгоҳларда дарс бериш осонмас ахир. Меҳнат инсонни улуғлайди, деганларидек, Мансур Тошматовнинг ижоди муносиб қадрини топган.

— “Меҳнат шуҳрати” орденини нафақат қилган ишларим мукофоти, балки келажакда бажаришим керак бўлган ишларга руҳлантирувчи масъулият сифатида қабул қилдим. — дейди Мансур ака. — Келгусида ўзбек миллий эстрада санъатини янада ривожлантириш, жаҳонга танитиш ва кенг тарғиб этиш борасида бундан ҳам кўп савий-ҳаракат қилиш ниятидаман. Асосий вазифам — оркестр раҳбарлиги. Шунингдек, алоҳида эстрада институтида вокал бўйича дарс беришман. Мамлакатимиз ва чет элда ҳам ўз мухлисларига эга Севара Назаров, Лариса Москалёва каби санъаткорларга устозлик қилганим, кўплаб ёшларимизнинг ютуқларига ҳисса

қўшаётганимдан гоёт бахтиёрман. Ҳали ҳам яна мақсадим — бор тажрибамни ана шундай умидли ёшларга улаштириш, уларнинг буюк санъаткор бўлиб етишишига эришиш.

— Мансур Тошматовдан олдин бошқа устозлардан ҳам сабоқ олганман. Устоз билан ишлаётганимизга эса бир йилдан ошди. Аввалига бу инсон билан ишлаш олмасам керак деб ўйлаганман, — дейди ёш шоғирларидан бири Севара Тўланова. — Устознинг салобати босади, албатта. Фаолиятининг асоси талабчанлик деб билман. Тошхирдиқ берилганим, уни бажармаслик учун ҳеч қандай баҳонага ўрин йўқ. Халқаро танловларга бораётганимизда ҳар сафар “Бу, аввало, катта мактаб, ҳамма-нинг олдида юзингиз ёруғ бўлиши учун доим қилиб юрган ишингизни чиройли ва хотиржам бажарсангиз бўлди. Ҳаяжонинг сира кераги йўқ”, деб уқтиради. Бир гал халқаро тадбирда устозим саҳнада қўшиқ айтаётганини эшитиб, фонограммага деб ўйладим. Бироқ жонли ижро экан. Кейинги тадбирда ҳам шундай бўлди. Ундан кейингисидан ҳам домланинг фонограммдан фойдаланганини кўрмадим. Фақат жонли ижро этади. Қолаверса, 7 тилда мукамал гап-лаша олиши чет давлатларда жуда кўп келди. Мансур ака ўзбек санъатини янада ривожлантириш, жаҳонга танитиш ва кенг тарғиб этиш борасида бундан ҳам кўп савий-ҳаракат қилиш ниятидаман. Асосий вазифам — оркестр раҳбарлиги. Шунингдек, алоҳида эстрада институтида вокал бўйича дарс беришман. Мамлакатимиз ва чет элда ҳам ўз мухлисларига эга Севара Назаров, Лариса Москалёва каби санъаткорларга устозлик қилганим, кўплаб ёшларимизнинг ютуқларига ҳисса

қўшаётганимдан гоёт бахтиёрман. Ҳали ҳам яна мақсадим — бор тажрибамни ана шундай умидли ёшларга улаштириш, уларнинг буюк санъаткор бўлиб етишишига эришиш.

— Мансур Тошматовдан олдин бошқа устозлардан ҳам сабоқ олганман. Устоз билан ишлаётганимизга эса бир йилдан ошди. Аввалига бу инсон билан ишлаш олмасам керак деб ўйлаганман, — дейди ёш шоғирларидан бири Севара Тўланова. — Устознинг салобати босади, албатта. Фаолиятининг асоси талабчанлик деб билман. Тошхирдиқ берилганим, уни бажармаслик учун ҳеч қандай баҳонага ўрин йўқ. Халқаро танловларга бораётганимизда ҳар сафар “Бу, аввало, катта мактаб, ҳамма-нинг олдида юзингиз ёруғ бўлиши учун доим қилиб юрган ишингизни чиройли ва хотиржам бажарсангиз бўлди. Ҳаяжонинг сира кераги йўқ”, деб уқтиради. Бир гал халқаро тадбирда устозим саҳнада қўшиқ айтаётганини эшитиб, фонограммага деб ўйладим. Бироқ жонли ижро экан. Кейинги тадбирда ҳам шундай бўлди. Ундан кейингисидан ҳам домланинг фонограммдан фойдаланганини кўрмадим. Фақат жонли ижро этади. Қолаверса, 7 тилда мукамал гап-лаша олиши чет давлатларда жуда кўп келди. Мансур ака ўзбек санъатини янада ривожлантириш, жаҳонга танитиш ва кенг тарғиб этиш борасида бундан ҳам кўп савий-ҳаракат қилиш ниятидаман. Асосий вазифам — оркестр раҳбарлиги. Шунингдек, алоҳида эстрада институтида вокал бўйича дарс беришман. Мамлакатимиз ва чет элда ҳам ўз мухлисларига эга Севара Назаров, Лариса Москалёва каби санъаткорларга устозлик қилганим, кўплаб ёшларимизнинг ютуқларига ҳисса

унинг инглизча талаффузи гоёт раван эканига, устоз ўз устида кўп ишлаганига гувоҳ бўлдим. Уйгурча, грузинча ҳам ўша миллат вакиллари билан кам билмаслигига ҳавас қилдим. Француз тилини эса мактабда мукамал ўрганган. Мансур аканинг айтишича, бошқа тилларда қўшиқ куйлаётган санъаткор ўз-ўзидан ўша тилларни ўрганишга ҳам куч топади. Зеро, санъаткор ўзи нимани гапирётганини яхши билиши керак. Шунинг учунми, гоёйбона бир куч кўпроқ тил ўрганишга ундайверади уни.

2020 йилда “Ҳамдўстлик юлдузлари” халқаро мукофотида сазовор бўлган Мансур Тошматов суҳбатимиз сўнгига бундай деди:

— Кўп йиллардан буюн ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда Халқаро жаз фестивалини ўтказиб келямиз. Бундан ташқари, юртимизда ўтказилаётган йиллик маданий тадбирларда фаол қатнашамиз. АКШ, Туркия, Франция, Италия, Польша, Дания, Австрия сингари давлатларда бўлиб ўтган концертларда ҳам хорижий мутахассис ва мухлислар ҳурматини қозондик. Қатор вилоятларда концерт дастурларини қўйганимиз. Айниқса, бу йилги “Маданият қаровни”дан ўрин олиб, эл орасига кирган кунларимиз бизни меҳнатсевар, санъатсевар халқимизга янада яқинлаштирди. Насиб қилса, бутун шижоатим, бор кучимни мамлакатимиз санъати нуфузини юқори кўтариш орқали ёшларимизда профессионалликка интилишни қучайтиришга сарфлайман.

2017 йилда бошига оғир снро келса-да, Мансур Тошматов санъатдан айро тушмади. Хиндистонлик тажрибали шифокор саратон билан ҳазиллашиб бўлмаслигини, шу боис, санъатга доир режаларни бирор йил ортага суриб туриш кераклигини айтди. Мансур ака эса шунчаки текиридан ўтиш учун келгани, олдинда кўплаб концертлар, бажариши лозим бўлган ишлари турганини айтди. Дард қаттиқ кўзгалганда бу дунё бошқа бир дунёга айлана қўлиши лаҳзалик эканини ҳис қилса-да, бир зум зиммасидаги вазифаларни унутмади. — САНЪАТИМ — ҲАЁТИМ, УСИЗ ҲЕЧ КИММАН”, деган ўй унга тинчлик бермайди. Ташна одам сингари санъатсиз яшай олмаслигини ҳис этди. Шу боис, икки марта ўтказилган жароҳатли амалиёти асорати битмасдан олдин яна халқаро саҳналарга чиқди, ҳакамлик қилди. Шифокорлар унга 4 килодан ортқ юк кўтармаслигини тайинласада, зилдек сафар сумкалари билан хорижий давлатларга йўл олади. Бироқ спортни, парҳезини ўрнига қўйди. Руҳиятини қирмади. Унинг ёш ва кувноқ кўришини сўйишундай балки. Бир сўз билан айтганда, эстрадада ҳам Ўзбекистон номини танитиш мақсадидан асло чекинмади. Яратганини иродаси билан касаллигини енгиб ўтди.

Мана шундай матонатли, санъатдан қувват олиб, фақат олға интилаётган, ёш авлодга ўрناق бўлиб келаётган санъаткорга ҳамisha саломатлик тилаймиз. Назаримда, Мансур ака аллақачон ўзбек санъати саҳифаларида ўз номини мангуга муҳрлади. Энди уни янада мустақамлаш йўлида узоқ ижод қилиш насиб этсин!

Муножат МЎМИНОВА, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

Туризм

Бугун Бухоро вилоятининг қайси гўшасига борманг, бунёдкорлик, яратувчанликка гувоҳ бўласиз. Шаҳар ва қишлоқлар узра янгиланишлар, ўзгаришлар эпкин эсмоқда. Эл-юрт бунёдкорлик оғушида яшамоқда. Хусусан, Бухоро тумани ҳам ҳозир тамомила янгича қиёфага эга.

2023 йил 17 февраль куни Президентимиз Бухоро вилоятига таширфи чоғида мазкур туманининг Работикалмоқ маҳалласидаги ўзгаришларни кўриб, аҳоли ҳаёти билан танишар экан: “Маҳалладаги ўзгаришларни, сизнинг ишларингизни кўриб, хурсанд бўлдим. Булар — халқ ичига кириб, халқ билан бирга қилаётган савий-ҳаракатларимизнинг кичик бир натижаси. Агар ҳокимлик ва ташкилотлар шариот яратиб беролса, ҳар бир оила ўзини эллаб кетолса, мақсадимга эришган бўламан. Шунда катта оиламиз — давлатимиз ҳам мустақам бўлади”, деган эди.

Чиндан ҳам Работикалмоқ маҳалласида одамларнинг фаровон яшашини, тайинли ишли, даромадди бўлиши учун барча шарт-шароит ва қулайликлар мавжуд.

Сўнгги йилларда маҳаллада ўндан ортқ савдо-хизмат кўрсатиш шохобчаси очилди, фуқаролар йиғини биноси мукамал таъмирланди, оталар чойхонаси, кутубхона, спорт майдончаси



Қадим қадриятлар жамланган гўша

ва хиёбон барпо қилинди. Илгари фойдаланилмай ётган, эски, қаровсиз ерда катта тикувчилик корхонаси очилиб, маҳалланинг 30 дан зиёд хотин-қиз ишли бўлди. Айниқса, маҳалладаги “Шейхон” этномаркази фаолияти, ундаги миллий аъналар, қадимий урф-одатларнинг асл кўриниши кўпчиликини бефарқ қолдирмайди.

— Туманимиз вилоятнинг сайёҳлик салоҳияти бой худудларидан бири бўлиб, Бухоро шаҳрига яқин, халқаро магистрал йўл бўйида жойлашган, — дейди туман ҳокими Анваржон Очилов. — 8 мингдан зиёд аҳоли яшайдиган Работикалмоқ маҳалласи эса сўнгги йилларда янгиланишлар байроқдори бўлиб турибди. “Шейхон” этномаркази ва “Нақшбанд” хунармандлик маркази ташкил этилиши нафақат маҳаллий, балки хорижий сайёҳлар оқими

кўпайишига ҳам сабаб бўлмоқда. “Шейхон” этномаркази ёғи ва қишки ховлидан иборат. Лойиҳа қиймати 400 минг доллар бўлган бу маскан 15 сотих ерда барпо этилган. Маҳаллий сайёҳлик компаниялари билан ҳамкорликда этномарказни янги сайёҳлик йўналишига киритишни мақсад қилганимиз. Энг асосийси ва қизиғи, хоҳ маҳаллий, хоҳ хорижий сайёҳ бўлсин, унинг фаолиятида бевосита иштирок этиши мумкин. Марказда миллий таомлар тайёрлаш бўйича маҳорат дарслари ҳам ўтказилади. Ҳали бу ерда қилинадиган ишлар,

мақсадли режаларимиз, янги лойиҳаларимиз жуда кўп.

Бухоронинг қадим гўшаларини зиёрат қила туриб, Работикалмоққа бориб қолсангиз, биринчи ўринда, унинг табиати, бугунги кунда кам учрайдиган мажунтол ва қоралот дарахлари сизни мафтун этиши бор гап. “Шейхон” этномаркази жозибаси эса таърифта сизмайди. Хорижий ва маҳаллий сайёҳларнинг севишли масканига айланган бу марказ янги келажакда юртимизнинг янги туристик салоҳиятини намоён этувчи кўзулардан бири бўлишига шубҳа йўқ.

Работикалмоқда яшовчи аҳоли азалдан деҳқончилик, хунармандлик ва савдо-сотик билан шуғулланиб келган. Бу ердаги қадимий иншоотлар, миллий урф-одатлар бугунги кунга қадар аслича сақланиб қолган. Этник худудда туризм кластерини ташкил этишда шўрданак, қуруқ мевалар, миллий ширинликлар, полиз

Гуличехра ДУРДИЕВА, “Янги Ўзбекистон” муҳбири



ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН MAZKUR QR-KODNI SKANER QILING.

<p>“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДМ</p> <p>МУАССИС:</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси</p>	<p>Бош муҳаррир:</p> <p>Салим ДОНИЁРОВ</p>	<p>Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтариб берилмайди.</p> <p>Газетанинг етказиб берилиши учун обуюни расмийлаштирган ташкилот жавобгар.</p> <p>Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди.</p> <p>Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Колограм” МЧЖ масъул.</p>	<p>Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси хузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.</p> <p>Нашр индекси — 236. Буюртма — 3795.</p> <p>41218 нусxada босилди.</p> <p>Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоси келишилган нархда.</p>	<p>Навбатчи муҳаррир: Азизбек Юсупов</p> <p>Мусаххачи: Шерзод Маҳмудов</p> <p>Дизайнер: Зафар Рўзиев</p> <p>Манзилими:</p> <p>100060, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй</p>
<p>Қабулхона: (71) 233-56-33 Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98 E-mail: info@yuz.uz Веб-сайт: www.yuz.uz (71) 233-47-05</p>		<p>“Колограм” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.</p> <p>Босмахона манлиси: Ўзбекистон, 100060.</p> <p>Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.</p> <p>Босмахона телефони: (78) 129-29-29</p>		<p>ЎЗА яқуни — 21:10 Тошхирлиди — 23:55</p>